

Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади.

Ислом КАРИМОВ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 22-sentabr, chorshanba № 74 (8307) ISSN 2010-6416

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари! Хурматли дўстлар!

Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар ва қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, Мингйиллик ривожланиш декларациясида таъкидланганидек, қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда.

Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий ҳаракатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин. Бугун афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги янада аён бўлмоқда, коалиция кучларининг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танлаган стратегияси эса кутилган натижаларни бермаяпти. Муттасил давом этаётган уруш Афғонистон ҳалқининг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммони ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.

Ҳозирги вазиятда Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг муқобил йўлларини топиш ғоят муҳим аҳамият касб эта-

ди. Ушбу йўллардан бири, бизнинг фикримизча, Ўзбекистон томонидан 2008 йилда таклиф этилган БМТ шафеълигида 6+3 мулоқот гуруҳини ташкил қилиш муҳим роль ўйнаган бўлур эди. Ташаббусимизнинг мазмун-моҳияти шундан иборатки, афғонистонликлар ўз мамлакати муаммоларини ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркор.

Улар сирасига авваламбор, тинчлик ўрнатиш миссиясига дахлдор АҚШ, НАТО, Россия, шунингдек, Афғонистон билан бевосита кўшни мамлакатларни киритиш зарур. 6+3 мулоқот гуруҳининг энг муҳим мақсади — бир-бирига қарши курашаётган томонларга Афғонистонда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш дастурини таклиф этиш, мамлакатни пароканда қиляётган асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро мурося асосидаги ечимларни топиш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча томонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни беришдан иборат.

(Давоми 2-бетда.)

ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.

Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Ўтган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавфхатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини


янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташриф асносида БМТ ва ШХТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи худуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интиляётган БМТ бу хайрли ғояни кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда.)



Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган сурат.

ГЕНЕТИКА ФАНИ

юртимиз олимлари томонидан бу соҳада йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда

Илм-фаннинг биз билмаган синоати қанча! Олайлик, генетика. Барча тирик организмларга хос бўлган ирсият ва ўзгарувчанликни, уларни бошқариш методларини ўрганадиган ушбу фан бўйича ҳозир эришилаётган ютуқлар кишини ҳайратга солади.

Янги асрда илм-фан соҳасида қўллаб юксак технологиялар, кашфиётлар яратилди. Бугун дунёда шундай илмий мўъжизалар содир бўлмоқдаки, беихтиёр ақлингиз шошади.

Мамлакатимизда илм-фаннинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиляётгани барчамизга маълум. Илм-фан натижалари жамиятимиз эҳтиёжларига йўналтириляётгани, олимларимизнинг фундаментал тадқиқотлари жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этиляётгани эса минг чандон қувонарли. Улар қаторида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Геном технологиялари маркази олимларининг ҳам ўз ўрни бор. 25 нафарга яқин ёш тадқиқотчи ва илмий ходимлар фаолият олиб бораётган мазкур марказни бугун дунё илмий доираларида ҳам яхши билишади. Келинг, марказ ва у ердаги ёш олимлар, тадқиқотчилар фаолияти билан яқинроқ танишамиз.

(Давоми 7-бетда.)

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

«КУХНА ВА
БОҚИЙ БУХОРО»
— ФАХР ВА
ГУРУР ТИМСОЛИ

5-бет

БОЛА ИҚТИДОРИ
ҚАНДАЙ КАШФ
ЭТИПАДИ?

6-бет



8-9-бетлар

1-Oktabr — O'qituvchilar
va murabbiylar kuni
umumxalq bayrami
oldidan

САМОНИ КЎЗПАГАН
БОЛАПАР

10-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ САММИТИ МИНГЙИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ЯЛПИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Бу борада ушбу Дастурда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, ҳуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Афғонистон халқи амал қиладиган кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ ҳурмат қилиниши зарур.

Шуни таъкидламоқчиманки, бундай мақсадларга эришиш учун ҳозирча Афғонистонда турган тинчликпарвар коалиция кучлари ёрдам бериши мумкин. 2010 йилнинг июнида Қирғизистонда рўй берган фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятни издан чиқаришга жиддий хавф солмоқда. Шу йилнинг апрелида обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятининг ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршилиқлар, шунингдек, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги Қирғизистон жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар юзага келишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Қирғизларнинг ўзи ҳам, республика жанубида яшаётган кўп сонли ўзбеклар ҳам учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айланди, дейиш учун бугун барча асосларимиз бор.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиётна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршилиқни икки қўшни мамлакат — Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршилиқка айлантиришдан иборат эди.

Ўта мураккаб ва ўт олиб кетиш хавфи бўлган мазкур вазиятда қабих ният билан ташкил этилган воқеаларнинг ривожланишига йўл қўймаслик биз учун ниҳоятда огир муаммага айланди. Ўз худудимизда юз мингдан ортиқ қочқинлар, болалар, хотин-қизлар, қарияларни қабул қилиш, уларни жойлаштириш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш жуда катта куч, меҳнат ва ресурсларни талаб қилди. Айни пайтда ўта шафқатсиз зўравонликнинг авж олишига йўл

қўймаслик, чегара худудида осойишталикни сақлаш, фавқулодда оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қаҳру газабни жилловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олиш зарур эди.

Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари кўп асрлар мобайнида бирга яшашни теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршилиқларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Албатта, бугун Қирғизистон инсонпарварлик ёрдамига, кўшнилари ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг кўмағига муҳтож.

Бирок, 11—14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тароқлар, хунрезлик ва зўравонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа ҳисобланади.

Ишончим комилки, тахминларга асосланган ҳар қандай фикрлар ва бир ёқлама ёндашувларни истисно қилувчи ҳолис ва мустақил халқаро текширувларни ўз вақтида ўтказиш, халқаро ҳамжамиятнинг бу борадаги қатъий принципиал позицияси Қирғизистон жанубида қирғизлар ҳамда кам сонли ўзбекларнинг муроасага келиши ва тотувлигини таъминлаш учун йўл очиб бериши мумкин. Бундай позициядан ҳар қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавfli кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шу муносабат билан биз БМТдан фожиали воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатишни кутишга ҳақлимиз. Бу, ўз навбатида, қўшни Қирғизистонда воқеаларнинг яна авж олишининг олдини олиш имконини беради.

Экологияни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш айниқса, ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар шароитида Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришишда катта аҳамият касб этади. Орол фожиаси экология муаммоларига масъулиятсиз муносабатда бўлиш-

нинг яққол мисолидир. Бир пайтлар ноёб ва гўзал денгизлардан бири бўлган Орол бир авлод ҳаёти давомида деярли қуриб ва йўқолиб бораётган сув ҳавзасига айланди.

Қирқ йил мобайнида Орол денгизи акваторияси 7 баравар қисқарди, сув ҳажми 13 марта камайди, унинг минераллашуви эса ўнлаб баравар ошиб, денгизни тирик организмларнинг яшаши учун яроқсиз аҳволга келтирди. Натижада қарийб барча ҳайвонот ва наботот олами таназзулга учради ва йўқолди.

Бугун Оролбўйида нафақат экологик, балки дунё миқёсида огир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммолар пайдо бўлди. БМТ Бош котиби жаноб Пан Ги Мун шу йил Оролбўйига ташриф қилди. Ва биз бу ташриф учун унга катта миннатдорлик билдирамиз.

Орол денгизининг қуриши давом этаётгани ва унинг атрофида гуманитар фалокат содир бўлаётгани сабабли Оролбўйининг табиий биологик фондини асраб-авайлаш, Орол инкирозининг атроф-муҳитга, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган юз минглаб ва миллионлаб одамлар ҳаётига ҳалокатли таъсирини камайтириш бугунги кундаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, Оролбўйи худуди иккита асосий манба — Амударё ва Сирдарё ҳисобидан сув билан таъминланади, ушбу дарёлар оқимининг камайиши мазкур кенг минтақанинг шундоқ ҳам заиф экологик мувозанатини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин.

Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидрроиншоотларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига, ушбу иншоотлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавfli техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.

Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди.

Қуриб бораётган Орол му-

аммоси — бу ушбу минтақада яшаётган, БМТдек нуфузли ташкилотга умид билан ёрдам сўраб мурожаат қилаётган миллионлаб одамларнинг муаммосидир.

Жаноб Раис!
Фурсатдан фойдаланиб, Саммит иштирокчиларига Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида БМТ аъзолари сафидан жой олганига атиги 19 йил бўлди. Илгари ўзининг бир томонлама ривожланган хомашё этиштиришга йўналтирилган иқтисодиёти, ҳалокатли пахта яккаҳоқимлиги авжга чиққан, қоқоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган мамлакатимиз мустақил ривожланиш йилларида янги ва улкан марраларни қўлга киритди ва бунинг натижасида унинг қиёфаси тамомла ўзгарди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади.

Ўтган йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот 3,5, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баравар ўсди, ўртача иш ҳақи 14 баравар ошди. Давлатнинг ижтимоий соҳа ва ижтимоий муҳофаза учун сарф-харajatлари 5 баравардан зиёдрок кўпайди. Ҳар йили давлат бюджетининг 50 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта огир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Оналар ўлими даражаси 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайди. Ушбу даврда, яъни қарийб 20 йил мобайнида одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошди. Бугун мамлакатимизда иш билан банд бўлган аҳолининг 48 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг жиддий таъсирларига қарамай, Ўзбекистон дунёдаги кам сонли давлатлар қаторида иқтисодиётнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминламоқда, ишончли фаолият кўрсатаётган молия-банк тизимини сақлаб турибди.

Масалан, 2008—2009 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсиш суръатлари 9 ва 8,1 фоизни ташкил қилди, жо-

рий йилда бу кўрсаткич 8,5 фоиз даражада бўлиши кутилмоқда. Давлатнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоиздан ошмайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида қабул қилинган **мамлакатни демократлаштириш бўйича ўз моделимиз**, иқтисодиётнинг мафқурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган **ижтимоий йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш** ушбу ютуқларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда. Биз, аввал бошдан “шок терапияси” деб аталган усулларни четдан туриб жорий этишга қаратилган уринишлардан, бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жўн ва алдамчи тасаввурлардан воз кечдик, “янги уйни қурмасдан туриб, эскисини бузманг” деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тизимдан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни танладик.

Таълим жараёни ва одамлар тафаккурининг юксалиши ушбу барча ўзгаришларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харajatлар ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этади. Ҳолбуки, жаҳон таърибасида бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатимизда ноёб Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди, 2009 йилдан бошлаб 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Ўзбекистон дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилиш, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни, мамлакатни модернизация қилишни давом эттириш ҳамда чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва шу асосда ўз фуқаролари учун муносиб турмуш шароитини яратишни ўзининг истиқболдаги муҳим вазифалари деб билади.

Сўзимнинг якунида шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон БМТ Бош котиби Пан Ги Мун таклиф этган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш борасидаги Тараққиётни жадаллаштиришга оид глобал ҳаракатлар режасини қўллаб-қувватлайди ва уни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

(Давоми.
Боши 1-бетда.)

Президент Ислам Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақа-

вий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон жаросига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги куннинг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарор-

лаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислам Каримов Мингйиллик ривожланиш

мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камай-

тирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказди.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

(ЎЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВ ВА ПАН ГИ МУН УЧРАШУВИ

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қароргоҳида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун билан учрашди.

Музокара аввалида мамлакатимиз раҳбари БМТнинг Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди.

— БМТнинг Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатларига эътибори кучайиб бормоқда, — деди Ислон Каримов. — Ташкилотнинг минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш,

хавфсизликни мустаҳкамлаш, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик ва бошқа таҳдидларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва сув-энергетика захираларидан унумли фойдаланиш масалаларини ҳал қилишдаги ҳамкорлигини юксак қадрлаймиз.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан БМТ ҳузуридаги Тараққиёт дастури, ЮНЕСКО, Болалар жамғармаси, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби тузилмалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатилгани ва бу ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТ билан кўплаб соҳаларда ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиб келмоқда. Ўзаро муносабатлар кун тартибидан хавфсизлик, экология, иқтисодий ривожланиш, таълим ва соғлиқни

сақлаш каби масалалардан ташқари БМТни ислоҳ қилиш, жумладан, унинг органлари фаолияти самардорлигини ошириш масалалари ҳам ўрин олган. Ўзбекистон БМТнинг мамлакатимиздаги тузилмаларини ягона ваколатхонага бирлаштириш таклифини илгари сурмоқда. Бу Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш, ушбу ташкилот тузилмаларининг мамлакатимиздаги саъй-ҳаракатла-

рини янада самарали мувофиқлаштириш имконини берган бўлур эди.

Учрашувда Пан Ги Мун БМТ Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлашни, мамлакатимиз билан муносабатларга ва умуман Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратишни таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 21 сентябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 21 сентябрь кун БМТ Бош қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Германия Ўзбекистоннинг Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Германия билан Ўзбекистон ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар йўлга қўйилган. Турли даражадаги кўплаб икки томонлама ташрифлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Германия Ўзбекистоннинг мамлакатни янада демократлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Икки давлат ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ҳам кенгайтиришга йўналтирилган.

Учрашувда Ангела Меркель Германиянинг тинчликпарвар сиёсати Ўзбекистон томонидан қўллаб-қувватланаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — Германия ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтиришга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу кун БМТ Бош қароргоҳида Бельгия Бош вазир Ив Летерм билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бельгия Ўзбекистоннинг Фарбий Европадаги ишончли ҳамкорларидан эканини, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида парламентларо алоқалар фаоллашмоқда, ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамалари, хавфсизлик органлари, олий таълим муассасаларининг ҳамкорлиги кенгаймоқда.

Бельгия парламенти вакиллари, «Ўзбекистон — Бельгия» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи аъзолари мамлакатимизда ўтказиладиган халқро анжуманларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ташқи ишлар вазир-

ликларининг маслаҳатлашувлари чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид долзарб масалалар муҳокама қилинмоқда. Ўзбекистон ва Бельгия минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилаётир.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Бельгия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистон Бельгияга пахта толаси, газлама, нооргарник кимё маҳсулотлари экспорт қилади. Бельгиядан мамлакатимизга механик ускуналар, фармацевтика маҳсулотлари, пластмасса ва ундан ясалган буюмлар, каучук ва резина келтирилади. 1999 йилдан Тошкентда Валлония Экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлиги (AWEX) ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Фарбий Фландрия Савдо-саноат палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган. Кейинги йилларда Тошкент ва Брюсселда икки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларига, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳиятига, шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштиришга бағишланган қатор бизнес-форум ва тақдимот маросимлари, ишбилармонларнинг учрашувлари ўтказилди.

Маданият соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бельгияда Самарқанднинг 2750 йиллик, Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейларига бағишланган кўргазмалар ташкил қилинди. 1999 йилдан «Ўзбекистон — Бельгия» дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда. 2004 йилда «Дўстлик» Бельгия — Ўзбекистон маданият маркази очилди. Тошкент ва Кортрейк шаҳарлари ўртасидаги шериклик алоқалари фаоллашмоқда. Бельгиянинг бу шаҳрида Абу Али ибн Синога ҳайкал ўрнатилган. Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида ҳам шериклик алоқалари ривожланмоқда.

Учрашувда Ив Летерм Бельгия Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши, ўзаро муносабатларни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор билан ёндашишини таъкидлади. Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит бельгиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистонлик шериклар билан бирга бизнес қилиш иштиёқини кучайтираётганини қайд этди.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон — Бельгия муносабатларига доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов БМТ Бош қароргоҳида Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Венгрияни ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган давлатларо муносабатлар, халқларимизнинг маъна-

вий яқинлиги бир-бирига боғлаб туришини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид барча долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз сиёсий соҳада икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантирмоқда. Ўзбекистон ва Венгриянинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир масалаларга, минтақавий ва халқро аҳамиятга молик муаммоларга қараш ва ёндашувлари ўхшаш ва яқин.

Ўзбекистон ва Венгрия яқин иқтисодий ҳамкорлардир. Мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочишга оид муҳим ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Венгриянинг Савдо-ни ривожлантириш ва сармоя бўйича агентлиги ҳамда «Eutoter Kft» сармоявий компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ишбилармонларнинг бевосита шериклик шўкаларини ривожлантириш мақсадида Тошкент ва Будапештда мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилмоқда.

Сармоявий ҳамкорлик доирасидаги алоқалар ривожига 2009 йилда Ўзбекистон ҳукумати билан Венгриянинг «Omninvest Development Ltd» компанияси ўртасида имзоланган шартнома яхши мисол бўлади. Молиявий қиймати 100 миллион АҚШ долларидан иборат бу ҳужжат Ўзбекистонда грипга қарши вакцина ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этишни назарда тутди.

Шунингдек, Венгрия Эксимбанки Ўзбекистонга умумий қиймати 50 миллион АҚШ долларига тенг кредит ажратишга қарор қилди. Бу маблағ поликлинакларни тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш, шаҳарлар инфратузилмасига энергия тежаш технологияларини жорий этиш, нефтни қайта ишлаш заводларида тозалаш иншоотларини реконструкция қилиш ва нефть шламани қайта ишлаш технологиясини ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Гуманитар соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги Венгриянинг қатор ташкилотлари билан материалшунослик, микроэлектроника, приборсозлик, фармакология каби соҳаларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Икки мамлакатда кино кунлари, турли кўргазмалар ташкил қилинмоқда. Тошкент билан Будапешт шаҳарлари ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Учрашувда Пал Шмитт Венгрия барча соҳаларда Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларига оид ва томонларни

қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 21 сентябрь кун АҚШнинг «Boeing» корпорацияси катта вице-президенти Марти Бентротни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари «Boeing» Ўзбекистоннинг авиация ва самолёт-созлик соҳасидаги яқин ҳамкорларидан бирига айланганини, ушбу корпорация билан алоқалар ҳаво кемалари етказиб бериш баробарида, парвозлар хавфсизлигини ошириш, йўловчиларга хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, техникавий таъминот ва таъмирлаш, кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш каби соҳаларни қамраб олганини таъкидлади.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўз самолётлари паркин янгилаш доирасида 1995 йилдан буён «Boeing» билан ҳамкорлик қилиб келади. Шу кунгача миллий авиакомпаниямиз 11 «Boeing» русумли самолётни харид қилган. Шу тариқа қанотига Ўзбекистон байроғи туширилган «Boeing» самолётлари дунё мамлакатларига парвоз қилмоқда. Мамлакатимиз учувчилари «Boeing-757-200» ва «Boeing-767-300ER» самолётлари бошқарувини тўлиқ ўзлаштирган. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида нафақат Ўзбекистонга қарашли, балки кўплаб бошқа давлатлардаги авиакомпанияларга тегишли шу русумдаги самолётларга техник хизмат кўрсатилмоқда.

«Boeing» билан ҳамкорлик йил сайин ривожланмоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан «Boeing» ўртасида имзоланган битимларга кўра, ушбу корпорация 2011—2013 йилларда Ўзбекистонга яна тўртта «Boeing-767-300ER» самолёти етказиб беради. 2016 йилда эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси паркига «Boeing-787-8» русумдаги иккита янги авлод самолёти қўшилади.

Шу билан бирга, учувчи-техник таркиб, техник хизмат кўрсатиш мутахассислари тайёрлаш борасида «Boeing» билан ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Ўзбекистонлик учувчи ва техник ходимлар «Boeing» ўқув марказларида малака оширмоқда.

Учрашувда Марти Бентрот самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, «Boeing» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Сўхбат чоғида авиация ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎЗА)

✓ ПОЙТАХТИМИЗДА "МУСТАҚИЛ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ" МАВЗУИДА БОЛАЛАР РАСМЛАРИ КЎРГАЗМА-ТАНЛОВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ҳамкорлигида иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга оид бир қатор маърифий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари, меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари учун турли бадиий-ижодий тўғарақлар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

«Мустақил юрт фарзандларимиз» кўргазма-танловидан кўзланган асосий мақсад юртимизнинг турли ҳудудларида яшовчи истеъдодли болаларнинг самарали изланиши ва ижодий изланишлари билан жамоатчиликни, тенгқурларини таништиришдан иборатдир. Кўргазма-танловга болаларнинг тасвирий ва амалий санъатга оид икки юздан ортиқ ижодий иши келди.

Танлов якунига кўра, Самарқанд шаҳридаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг 1-синф ўқувчиси Соҳиб Рашидий «Эртага байрам» расми учун тасвирий санъат йўналишида, Тошкент шаҳридаги 117-умумий ўрта таълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Диёра Бахтиёрова матони бисер билан безашга оид ижодий иши учун амалий санъат йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ижодий беллашув доирасида болалар расмлари кўргазмаси ўтказилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

✓ ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДАГИ 1-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИДА ТУМАН ҲОКИМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «БУ МУКАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН» МАВЗУСИДА ДАВРА СУХБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Холида Холдорова, туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Гулчеҳра Дўсматова ҳамда коллеж маъмурияти ва ўқувчилар иштирок этди. Давра суҳбатини коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Вазира Раҳмонова олиб борди.

Тадбирда маънавият ва маърифат соҳасида юртимизда амалга оширилаётган ишлар, ёшларнинг касб-хунар эгаллашга интилишлари, улар томонидан миллий қадриятларимизнинг эъзозланиши, урф-одатларимизнинг улуғлини қувонарли ҳол эканлиги айтилиб, маънавият инсоннинг қонқонига, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси орқали сингиб бориши хусусида мулоҳазалар билдирилди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган давра суҳбати иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Дилдора ЖЎРАЕВА,
Шоҳиста АРТИҚОВА,
1-республика тиббиёт коллежи
ўқитувчилари



✓ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА АНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «МУТОЛАА БАЙРАМИ—2010» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ. ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДГА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ КЎЗДА TUTGAN БУ ТАДБИР 1 ОКТАБГА ҚАДАР ДАВОМ ЭТАДИ.

«Мутолаа байрами» ватандошларимиз, биринчи навбатда ёшларимиз орасида китобхонлик маданиятини юксалтириш, аҳоли кенг қатламларини янги ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатиш ҳамда уларни ахборот олишнинг янги усуллари билан таништириш каби мақсадларга қаратилган.

Тадбирнинг очилиш маросимида «Китоб билан олам мунаввар» китоб-расми кўргазма намойиши, шунингдек, автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими электрон каталоги базасини шакллантириш борасидаги методик қўлланманинг тақдими бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар кутубхонанинг электрон маълумотлари базаси ва коллекцияси билан яқиндан танишиб, ундан фойдаланиш бўйича ҳам кўплаб маълумотларга эга бўлдилар.

Иккинчи куни эса электрон илмий-таълимий ресурслардан фойдаланиш, электрон каталоглар тузиш борасида кутубхона ходимлари учун тренинглар ўтказилди.

«Мутолаа байрами» тадбирлари давомида янги адабиётлар (жумладан, электрон китоб), дарсликлар, журналлар тақдими, кутубхона очик эшиклар куни ҳамда Ўзбекистон маданият ва санъат арбоблари, шоир, ёзувчилар иштирокида бадиий кечалар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, кутубхоначилик соҳасини ривожлантириш, ундаги камчиликларни аниқлаб бартараф этиш борасида давра суҳбатлари ҳам ўтказилади.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири.

✓ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТ ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ЛОЗИМ? СОҲАНИНГ ЕТУК МУТАХАССИСИ БЎЛИШИ УЧУН УНГА ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАР ҚЎЙИЛАДИ? БУГУНГИ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКНИНГ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультетида бўлиб ўтган учрашувда талабалар шу каби саволларга жавоб олишди.

Учрашувга Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ижодкорлари, сиёсий, маънавий-маърифий ҳамда режиссёрлик соҳасидаги катта муҳаррирлар, режиссёр ва тажрибали журналистлар тақлиф этилди.

— Бундай тадбирларни ташкил этишдан мақсад, тала-

баларнинг амалиёт ўташ жараёнига кўмаклашиш, фикр алмашиш муҳитини яратишдир, — деди факультет декани А.Нурматов.

Айтиш керакки, 2 йилдан бери факультет ва ЎзМТРК ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса, талабаларнинг теле ва радиоканалларда амалиёт ўташи борасидаги баъзи муаммоларнинг ҳал бўлишига, кейинчалик иш билан таъминланишларига ёрдам беради.

Соҳиба МУЛЛАЕВА

✓ ТОРТИНЧОҚ БОЛА ЖАМОА ОРАСИДА ИЛОЖИ БОРИЧА КЎРИНМАСЛИККА ҲАРАКАТ ҚИЛАДИ. ДЎСТЛАРИ, СИНФДОШЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТДА СЕКИН-АСТА ЎЗИНИ ОЛИБ ҚОЧА БОШЛАЙДИ.

Ҳа, ўқувчилар орасида ана шундай феъл-атворга эгалари ҳам учрайди. Хўш, нима қилмоқ, улар билан қай тариха ишлаб кўзланган мақсадларга эришмоқ мумкин? «Бошланғич таълим» журнаlining яқинда нашрдан чиққан 8-сонидан ўрин олган Низомий номидаги ТДПУ аспиранти Иродахон Раҳимованинг «Тортинчоқ боланинг ички ҳолати» мақоласини ўқисангиз, ана шундай ҳолатда қандай йўл тутишнинг ечимини топгандек бўласиз.

Хуснихат соҳиби бўлиш ҳам инсоннинг фазилатлари сирасига киради. Маълумки, кишининг бу хислати ҳам хусусан, болалиги, бошланғич таълимга дахлдор. «Хуснихат ҳам зўр санъат» номли 1-синфлар учун «Савод ўрганиш» дарси айнан ана шу мавзуга қаратилган. Материалдан ўз сабоқларида ижодий фойдаланган ўқитувчи ўқувчиларни «Алифбо» шаҳарчасига бошлаб бориб, унли ва ундошлар, тутук белгисининг уйларида бир-бир «меҳмон» бўлишади. Журналда шунингдек, яқка тартибда таълим олаётган ўқувчилар билан ишлаётган муаллимларга асқотадиган дарс ишланмалари ҳам узвий равишда чоп этиб келинмоқда. Бу гал «Инклюзив таълим» рукни орқа-



ли журналхонлар Моҳидил Хушматованинг «Оралик назорат ўтказиш» давомидаги тажрибалари билан танишишлари мумкин. Шунингдек, мазкур сондан «Тасвирий санъат» рукни орқали «Махсус тайёргарлик машғулоти», «Меҳнат таълими» рукнида эса «Онгли ва ижодий ёндашувни ташкил этиш», «Илғор педтехнологиялар» рукни остида «Ўйинлар орқали фаол ҳаракат» сингари материалларга ҳам ўрин ажратилган.

Русийзабон муштарийлар «В одной семье — два поколения воспитателей», «Наша родина — Узбекистан!», «Праздник первого десятка» материаллари билан танишиб, ўз сабоқларини шаклан ва мазмунан бойитадилар.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

✓ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДАГИ 112-МАКТАБДА ГЁТЕ ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА «КЕЛАЖАК ҲАМКОРЛАРИ» ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТИШ МАРКАЗИ ФАОЛИЯТ ЮРИТИБ КЕЛМОҚДА.

Ўзбекистонда Германия маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан бу ерда «Баркамоллик — келажак кўзгуси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда иштирок этган германиялик меҳмонларга мактаб ўқувчилари томонидан мазкур давлат тарихи, санъати, маданияти ва адабиётига доир қизиқарли маълумотлар тақдим этилди. Бундан ташқари, ўзбекистонлик ўқувчилар ижросида немисча қўшиқ ва рақсларнинг намойиш

этилиши меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Семинарда мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси Рихси Ҳамдамова «Тил билган — эл билади» мавзусида маъруза қилиб, унда мактаб ўқувчиларининг тил ўрганишдаги салоҳиятини эътироф этди.

Дўстлик муносабатларини тараннум этувчи анъанавий байрам кўнгилларга завқ бағишлади.

Ш.АСРАНОВА

✓ ЖИЗЗАХ ШАҲАР КУРАШ САРОЙИДА ЎТКАЗИЛГАН «КИЧКИНТОЙ-ШИРИНТОЙ» МУСОБАҚАСИДА ШАҲАР ВА 12ТА ТУМАНДАН ТАШРИФ БУЮРГАН 120 НАФАРДАН КЎПРОҚ ТАРБИЯЛАНУВЧИ ЎЗ МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ЭТДИ.

Тўрт босқичдан иборат ушбу тадбирнинг дастлабки беллашувлари мurosасиз баҳсларга бой бўлди. Вилоят босқичида туман шарафини ҳимоя қилаётган мактабгача таълим муассасалари ўзларининг бор маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилдилар. Беллашувда барча шартларни аъло даражада бажарган Мирзачўл туманидаги «Учқунча» МТМ 1-ўринни қўлга киритди. Дўстлик туманидаги «Нихол» ва Пахтакор туманидаги «Булбулча-Асад» мактабгача ва бошланғич таълим муассасалари 2, 3-ўринга лойиқ деб топилди. Спорт мусобақаларида Дўстлик, Пахтакор, Зомин туманлари ҳамда Жиззах шаҳри мактабгача таълим муассасалари фаол иштирок этишди.

Мусобақа ғолиби — Мирзачўлнинг «Учқунча» жамоаси «Кичкинтой-ширинтой» спорт мусобақаси якуний босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади. Жамоа республика босқичига ҳозирлик кўрмоқда.

А.СОДИҚОВ

✓ ҲАР БИР ИНСОННИНГ АНИҚ КАСБ ЁКИ ФАОЛИЯТ ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШИ УНИНГ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. БУ БОРАДА ЖОЙЛАРДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТЎГАРАКЛАРНИНГ АЛОҲИДА ЎРНИ БОР.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Мирзо Улуғбек тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида очилган. Марказда бта — тикувчилик, руҳшунослик, спорт, пазандачилик, компьютер сабоқлари, инглиз тили тўғарақлари мунтазам ишлаб турибди.

— Биргина ўтган ўқув йили давомида 773 нафар ўқувчи тўғарак машғулотларида фаол иштирок этди, — дейди марказ раҳбари Шерзод Тоштемиров. — Инглиз тили тўғарағи раҳбари Мунира Умарова ўқувчилар тилни осонроқ ўзлаштиришлари учун турли-туман ўйинлар орқали дарс ўтади. Психолог Шахноза Бердиқулованинг машғулоти ҳам ўқувчи-ёшларга маъқул бўлмоқда. Унинг ҳар бир дарси ноанъанавий: ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, қийин вазиятлардан чиқиб кетиш, соғлом оила қуриш йўллари билан таништирилади.

Бундан ташқари, пазандачилик тўғарағида қизлар мазали пишириқ ва салатлар тайрлашни ўргансалар, тикувчилик машғулотида бичиштиқиш сирларидан бохабар бўладилар. Компьютер саводхонлигида эса Гулноза Хусаинова тўғарак аъзоларида компьютерни тез ва тўғри ишлатиш, дастурлар билан ишлаш олиш малакасини шакллантиради.

Билим ва хунар ўрганаётган ёшлар вақтлари мазмунли ўтаётганидан хурсанд.

МУХБИРИМИЗ

“КЎҲНА ВА БОҚИЙ БУХОРО” — ФАХР ВА ҒУРУР ТИМСОЛИ

Истиклол шодиёналари арафасида Бухоро шаҳрида “Бухоро маданий маркази” мажмуининг бунёд бўлиши бухороликлар қалбига ўзгача шуқу бағишлади. Қадимдан илму маърифат маскани бўлган кўҳна шаҳарнинг тарихию маданий меросини ўзида акс эттирган мажмуада учта йирик иншоот — 700 ўринли вилоят мусикали драма театри, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи қад ростлаган.

Ушбу мажмуа барча жабҳаларда ўз билим ва тафаккурини, куч-қувватини бутун дунёга намойиш этишга шай турган ёшларимиз учун чинакам фахр ва ғурур тимсолига айланиб улгурди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ёшларни Ватанга садоқатли, маънан етук, теран фикрли қилиб вояга етказишда ҳам мажмуа чуқур маънавий-руҳий аҳамиятга эга.

Яқинда “Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи пойида 2010-2011 ўқув йилида вилоят ҳокими стипендиясини олиш ҳуқуқини қўлга киритган ўқувчи-ёшлар, умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг «Энг яхши педагогик жамоалари» кўрик-танлови ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда ҳар ойда бериб бориладиган стипендияга сазовор бўлган ўқувчиларга тегишли гувоҳномалар топширилди. Бухоро шаҳридаги 38-мактаб ўқувчиси Дилдора Муқимова, Бухоро туманидаги 42-мактаб ўқувчиси Моҳинур Сайфуллаева, Вобкент туманидаги 23-мактаб ўқувчиси Махлиё Аминжоновна, Жондор туманидаги 27-мактаб ўқувчиси Бобурбек Самандаров сингари йигит-қизлар аълочи ва жамоат ишларида пешқадим ёшлар сифатида муаззам монумент пойида тақдирландилар.

“Йилнинг энг намунали мактаби” кўрик-танловида Ромитан туманидаги 8-мактаб, Бухоро шаҳридаги 17- ҳамда Фиждувон туманидаги 21-мактаблар, ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги муассасалар кўрик-танловида эса Вобкент иқтисодиёт коллежи,

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги 1-академик лицей ҳамда Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежи жамоалари мўтабар гўшада “энг яхши”лар сифатида эътироф этилиб, диплом ва совғалар билан тақдирланди. Гўзаллиги ва мазмун-моҳияти билан барчани лол қолдирган, муқаддас заманимизни улуғловчи монумент пойида баркамол авлодимизга дахлдор бундай тантананинг ўтказилганлигида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор...

“Кўҳна ва боқий Бухоро” монументи бевосита Юртбошимизнинг ташаббуси ва раҳбарлигида бунёд этилди. Баландлиги 18 метр бўлган монументни ҳайкалтарош, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов ишлаган. Монумент марказида катта умидлар билан фарзанд ўстираётган оила, яъни ота-она, бола ниҳол ўтказаетган бобо ва набира, уй кураётган ота ва ўғил ҳайкаллари мужассам. Албатта, бу санъат асаридида катта фалсафий маъно бор. Чунки яхши оиланда униб-ўсаётган фарзандлар — юрт, халқ келажагидир. Ниҳол ўтказаетган бобо ва набира тимсолида эса инсоннинг эзгу амалларига мангу қолиши ўз ифодасини топган.

Обида тепасида ўрнатилган баландлиги 5 метр, вазни 32 тоннадан иборат Ер шаридида ҳам ўзига хос рамз мавжуд. Унда она Ўзбекистонимизнинг харитаси муҳрланган. Чиндан ота-боболаримизнинг буюк орзулари мустақиллик туфайли рўёбга чиқди. Мамлакатимиз мустақиллик йилларида дунё билан юзлашди. Ёшларимиз барча жабҳаларда дунёга чиқиб, нуфузли халқаро танловларда ўз билим ва кучларини намойиш этишди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳамда



кам бўлмасликларини томирларида дунё аҳли тан берган аждодларининг қони оқиб турганлигини исботлашди. Устоз-мураббийларнинг меҳнатлари, ёшларимизнинг жасоратлари боис, Ўзбекистон байроғи жаҳон саҳнида бот-бот ҳилпираб турибди.

Обиданинг мармар зиналари билан юқорига кўтарилар экансиз, «Белбоғ панорама» остидаги зарҳал кошнлар диққатингизни тартади. Бу зарҳал безаклар олтин захираларига кон бўлган Бухоро тупроғига ишорадир. Шунингдек, унинг олтинга тенг замин дейилишида халқимизнинг буюк аллома фарзандлари ҳам назарда тутилади.

Обидада кўҳна Бухоромизнинг жаҳонга машҳур фарзандлари Абу Али ибн Сино, буюк тарихчи Муҳаммад Наршахий, буюк муҳаддис Имом Бухорой, тариқат алломала-

ри Абдулҳолик Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Ориф Ревгарий, Хўжа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хўжа Али Ромитаний, миллатимиз адабиёти ва маданиятининг ривожидида ўчмас из қолдирган аждодларимиз номлари зарҳал харфлар билан ёзилган. Монумент юқорисида “Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздир”, деган калом ўзбек, араб ва инглиз тилларида нақш этилган. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг «Дил ба ёру даст ба кор» даъватлари ҳам монументдан жой олган.

— Бухорога келган, унинг ҳаёти билан танишаман, деган одам монументда ифодаланган ғоялардан хулоса чиқаради. Бу ғояларни барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунтиришимиз керак. Баркамол авлод тарбиясида

унинг аҳамияти катта. Буюк келажагимизни яратишда, аввало, мустақил фикрлайдиган фарзандларимизга, шу юртни ягона, бетакрор Ватан, деб билган ёшларимизга суянамиз. Бугун Ўзбекистонимиз эришган буюк марраларда, оламшумул ютуқларда ёшларимизнинг ўрнини, уларнинг ҳал қилувчи кучга айланганини кўрамиз, —

деган эди мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов монументнинг очилиш маросимида.

Улкан мажмуадаги уч обидида ҳам ёшларимизни ҳар томонлама етук, маънавий бой инсонлар бўлиб вояга етишларида хизмат қилади, албатта. Энди кўҳна ва қадимий обидаларни зиёрат қилиш учун Бухоро шаҳрига отланган мактаб, коллеж, олий таълим муассасалари толиблари, бутун Ўзбекистон халқи, чет эллик сайёҳларнинг ҳар бири, албатта, бу муқаддас қадимжого ҳам келишади. Буюк аждодларимиз номлари зарҳал харфлар билан ёзилган монументни зиёрат қилишади. Ёшларимиз шу Ватанга муносиб фарзанд бўлишга жазм этишади. Қалблари эзгулик ҳисларидан мунаввар бўлади.

Сора ТОШЕВА,
“Ma'rifat” муҳбири

...Фикр юритмоқ бўлсак, ҳукумати-миз раҳбарияти томонидан қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг ҳаётбахшлиги, аҳамияти унинг халқчиллиги, миллатимизнинг қарашлари, руҳияти билан уйғун ва муштараклиги билан қимматлидир. Биргина жорий йилнинг номланиши билан боғлиқ «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ҳар бир бандида биз юқорида тилга олган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, Дастурнинг 35-бандида имконияти чекланган ва уйда ўқитишга жалб қилинган 5—9-синфларнинг 10 нафардан ўқувчиси-ни ҳар бир туманда шахсий компь-

МУРУВВАТ — БЕРМОҚДИР, ҚУВВАТЛАМОҚДИР...

ютерлар билан таъминлаш, шунингдек, уларни «ZiyoNet» тармоғига улаш ва бу борада ҳомийлар маблағларига таяниш масаласи қайд этиб ўтилган. Дастурдан ушбу масаланинг ўрин олишиёқ, халқимизнинг кўнглини шод этиб хурсанд бўлмоқдек хислатини ўзида мужассам этган.

Шўртепа қишлоғида яшовчи Нурсултон Усмонов. — Бу совға замонавий билимларни эгаллашимга кенг имконият яратиши билан бирга, янгидан-янги дўстлар орттириб улар билан мулоқот ўрнатиш, жамиятимизда рўй бераётган янгиликлардан воқиф бўлиб, замон билан ҳамнафас яшашимга ҳам

қулайлик туғдирди. Ўз компьютерим орқали

мени менга меҳр-мурувват қўлини чўзган туман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгашига миннатдорчилик мактубимни ҳам ёзиб юбордим.

— Қизим ўзининг компьютери бўлишини орзу қиларди, — дея суҳбатимизга қўшилади учкудукли Юлдуз Душамованинг онаси С.Бўронова. — Тўғриси, Миллий банкнинг туман бўлими бошлиғи М.Муртазоев уйимизга компьютер кўтариб кириб келганларида севинганимдан кўзларим ёшланиб, қандай миннатдорчилик билдиришимни билмай қолдим. «Болаларингизнинг

ҳузурини кўрин!» дея уни алқардим холос. Биласиз, Учкудук вилоят марказидан анча олисда жойлашган. Бу компьютер турли ташкилот ва идоралар билан боғланиш имкониятини ҳам берди. Юлдуз эса олдингидан ҳам яхши ўқишга, эзгуликка ўзининг зукколиги, билимдонлиги билан жавоб беришга ҳаракат қилмоқда.

— Биз кўрсатилган гамхўрликлар учун, аввало, Юртбошимизга миннатдорчилик билдирамиз, — мамнуният билан фикр билдиради карманалик Шаҳзод Худойбердиевнинг отаси Шаҳридин Сапов. — Баркамол авлод камоли йўлида бошланган сайёҳ-ҳаракатлар давомида у киши энг олис қишлоқ ва шаҳарларимизда истиқомат қилаётган дили хаста, меҳр-муҳаббатга муҳтож болаларни ҳам унутмаяптилар. Бу эътибор, албатта, биздай инсонларни руҳлантиради. Шу Ватанни янада севишга, унинг фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб, меҳнат қилишларига рағбат, ёруғ ниятлар уйғотади...

Вилоят халқ таълими бошқармасининг масъул ходими Муҳаббат Қаҳорованинг қайд этишича, сентябрь ойининг охиригача ўқувчиларни компьютерлар билан таъминлаш ва уларни «ZiyoNet» тармоғига улаш ишлари ниҳоясига етказилади.

Ойбуви ОЧИЛОВА



2010 yil — Barkamol avlod yili

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан мазкур вазифани адо этиш юзасидан амалий чоратadbirlar ишлаб чиқилди. Айни кунгача саховатпеша ҳомийлар томонидан 86 нафар бола маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланиб, фаол ҳаётга жалб этилди.

— Мен энди ўз компьютеримга эга бўлдим, — дейди Конимех туманининг

Психологларни кўп йиллар давомида инсон хусусияти бўлиши ақл, иқтидор ва қобилиятнинг чегараси, меъёри борми, деган савол қийнаб келади. Бу саволга жавоб беришга кўплаб олимлар уриниб кўрган ва айтиш мумкинки, унинг тўлиқ ечими ҳалигача топилгани йўқ. Шунга қарамадан, XX асрда яшаб ўтган француз ва инглиз олимлари Бине ва Айзенклар масалага бир қадар аниқлик киритишга муваффақ бўлишди.

Биз ёшлар, айниқса, болаларга нисбатан “иқтидорли бола” атамасини кенг ишлатамиз. Одатда, билим ва кўникмалари жиҳатидан тенгқурларига қараганда илгарилаб кетган болага нисбатан мана шундай таъриф қўлланилади. Психологлар ўсиб бораётган боланинг ҳар бир ёшида қандай билимларга эга бўлишини аниқлашган, ақлий кўрсаткичи шу меъёрдан юқори бўлган болани иқтидорли болалар сафига киритиш мумкин.

БОЛА ИҚТИДОРИ ҚАНДАЙ КАШФ ЭТИЛАДИ?

Шахсдаги маълум қобилиятлар, кўникма ва имкониятларнинг фаолият жараёнида бошқаларникига нисбатан юқорироқ даражада намоён бўлиши иқтидорни белгилайди ва у, энг аввало, ирсий имкониятлар билан боғлиқ ҳолда соғлом, ижобий ижтимоий муҳитда шаклланади. Таъкидлаш керакки, ирсий имконият қанчалик юқори бўлмасин, у маълум ижтимоий муҳитда ривожлантирилмас ёки ижтимоий муҳитнинг ижобийлигига қарамадан, табиатан ирсий имконият берилмаган бўлса, шахснинг юқори иқтидорга эга бўлиши қийин.

Психологларнинг кузатишлари шуни кўрсатадики, тарихда буюк, иқтидорли, даҳо шахс сифатида из қолдирган инсонлар кўп нарсага ота-оналари ёки тарбиячиларининг таъсирида эришган. Баъзан шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, каттагина ирсий имкониятларга эга бўлган бола ота-онасидан эмас, балки тарбиячиси, баъзан эса ижтимоий муҳит туфайли ўзида катта иқтидорни шакллантиришга эришади. Уйлаб кўринг, агар Алишер Навоий бутунлай бошқа оилавий муҳитда улға-йиб, унинг маънавий эҳтиёлларини қондириш учун етарли шароит яратилмаганида, балки биз уни XV асрнинг энг буюк даҳоси сифатида танимаган бўлармикан? Яна бир мисол тариқасида Пушкиннинг энагаси Арина Радионовнанинг рус шоири тақдиридаги ўрнини эслашимиз мумкин.

Табиатан ирсий иқтидор ато этилган, бироқ муносиб ижтимоий муҳит йўқлиги натижасида, айтарли ютуқларга эриша олмаган болалар билан бир қаторда, ирсий имконияти чекланган, шунга қарамадан, маҳоратни оширувчи мактаблар, курслар ва бошқа тўғарақларга қатнаш, ўз устидан тинимсиз ишлаш орқали ўз иқтидорини юзага чиқарган болалар ҳам талайгина. Илмий хулосаларнинг кўрсатишича, 65-75 фоиз болалар ҳаёти давомида яхши натижаларни қўлга киритиши мумкин.

Албатта, ота-онанинг ижтимоий мавқеи, билим даражаси ва энг муҳими, ирсий имкониятлари болага таъсир қилмай қолмайди. Иқтидорли болалар ҳақида гап кетганда кузатувчилар шуни таъкидлайдики, уларнинг саломатлиги ва жисмоний ривожланиши нормал ва ҳатто яхши ҳолатда бўлади. Ақлий куч-қувват имконияти, ҳаракатчанлик, асаб тизимлари фаолияти бошқаларникига қараганда анча юқорироқ бўлар экан. Ахлоқий меъёрлар, мослашувчанлик, психик тараққиётнинг

бошқаларга қараганда устунлиги, тиришқоқлик, ташаббускорлик ва мулоҳазакорлик сингари сифатларнинг яхши шаклланишини, баъзи ҳолларда флегматик темперамент вакилларида ҳам учратиш мумкин.

Иқтидорнинг юзага чиқишида фақат юқорида таъкидланган, айниқса, биологик(ирсий) кўрсаткичлар асосий аҳамият касб этади, дейиш унчалик тўғри эмас. Иқтидорнинг тўлиқ намоён бўлиши учун, албатта, ижобий тарбиявий муҳитнинг шартлиги таъкидланади.

Боланинг келажакда маълум бир иқтидор соҳиб бўлиб вояга етишини қандай белгилар орқали аниқлаш мумкин? Янги билимларни эгаллашга интилиш, доимо бирор масалани ҳал қилиш ҳаёлида юриш, қандайдир саволларга жавоб қидириб, мустақил мутола-

Dolzarb mavzu

ага кўп вақт ажратиш, ақлий фаоллик — бўлажак иқтидор эгасининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Шахсдаги бу белгилар биринчи навбатда оилада намоён бўлади ва оила аъзолари бунга бефарқ қарамадлиги лозим. Бола ўз имкониятини, фаолият майдонини дастлаб оиласидан топиши керак. Ёшлигида бундай имкониятларга эга бўлмаган болада кейинчалик иқтидор ва имкониятларни юзага чиқариш жуда қийин кечади.

Иқтидорнинг намоён бўла бошлаганини шахснинг ўз фаолиятини жиддий таҳлил қила бошлагани, белгиланган фаолиятни олдиндан режалаштириши, ушбу режаларни кичик-кичик тажрибалар орқали синаб кўриши, ўз олдига аниқ мақсадлар қўйишга ўрганиши, барча ҳаракатларини шу йўлга бўйсундира олиши, доимий ички назорат орқали ўзини кузата билганида кўриш мумкин. Бу ҳаракатларнинг атрофдагилар ҳам пайқаш мумкин бўлган белгилари сифатида кўп китоб ўқиш, нималарнидир ёзма равишда қайд қилиш, ёшига нисбатан мураккаб, илмий асарлар билан қизиқиш, илмий йўналишдаги конспектлар тузиш, адабий асарлар ёзишга киришиш сингари хатти-ҳаракатлар эътироф этилади.

Бундай болаларни тарбиялаш, янада юқори поғоналарга етаклаш алоҳида эътибор талаб қилади. Бошланғич ва юқори синфларда мана шу эътиборнинг етишмаслиги туфайли минглаб иқтидор эгалари кейинчалик оддий инсонлар даражасида қолиб кетади.

Масаланинг қийин ва чигал томони шундаки, оилада иқтидор куртаклари кўрина бошлаган болаларни, одатда, ота-оналар турли репетиторларга етаклашади, улардаги имкониятларни анча ўстиради, бу вақт мобайнида иқтидор анча шаклланиб улгуради. Кейин эса бу болалар ҳаммага, айниқса, ўртамеёна иқтидорли болаларга мўлжалланган умумий мактабларга боришади. У ерда ўз иқтидорлари билан эгалланган билим поғонасидан илгарилаб кетиш ўрнига, ўртача, ҳатто баъзи ҳолларда ўртачадан ҳам пастроқ иқтидорга эга бўлган болалар муҳитида билим олишига

тўғри келади. Ҳар қандай бола сингари, улар ҳам ўз вақтида олган билим ва имкониятлари билан мақтанишга тушади, бошқалар бу билимларни эгаллаши учун ҳали жуда ҳам кўп вақт бор, деган тасаввур туфайли, ўз устидан ишламай кўяди. Қарабсизки, ўсиб келаётган иқтидор энди ҳамма сингари болага айланади. Шу ўринда юртимизда иқтидорли болаларнинг ноёб қобилият ва истеъдодларини шакллантиришга хизмат қиладиган ихтисослашган мактаб-интернатларига алоҳида эътибор қаратилаётганлигини мамнуният билан эътироф этишимиз зарур.

Аслида мактаб шароитида ҳам ўқитувчилар бундай иқтидорли болалар билан алоҳида ишлаши лозим. Аммо улар дарсни синфдаги ўртамеёна болаларнинг билим даражасига қараб ўтади. Синфдаги иқтидори пастроқ болалар машғулотларнинг узок давом этишига сабаб бўлади. Идеал ҳолатда, ўқитувчи ҳар бир дарсни уч йўналишда олиб боришига тўғри келади. Дарсни аслида иқтидори паст болаларга тушунтириш керак, ўртамеёна иқтидорли болалар даражасида ўтилган дарс эса иқтидори пастроқ болалар учун тушунарли бўлмайди. Ўртамеёна болалар яхши ўзлаштираётган мавзу иқтидори юқорироқ болалар учун зерикарли бўлиб улгуради. Агар ўқитувчи иқтидори юқори бўлган болаларни инobatга олиб дарс ўтса, синфнинг ярми, яъни иқтидори пастроқ ва ўртамеёна ўқувчилар дарсни умуман тушунмай қолади. Илгарилаб кетган иқтидорли болалар энди зерикади ёки ўз имкониятларидан воз кечиб, аста-секин ўртамеёналар даражасига тушиб қола бошлайди.

Бу шароитни қандай қилиб тузатиш ёки иқтидорли болаларни тарбиялашни қандай қилиб яхшилаш масаласига келсак, жаҳонда бу борада бир қанча амалий ишлар амалга оширилмоқда. Чет эл мактаблари, айниқса хусусий мактаблар болаларни синфга қабул қилиш пайтида уларни синовдан ўтказишади, яъни, Айзенкнинг IQ — ақл ўлчагич тестини қўллашади ва синов давомида маълум коэффициент рақамини тўплай олмаган бола мазкур синфга қабул қилинмайди. Шу билан ҳар бир синф ўқувчиларининг ақлий тенглиги маълум маънода белгиланади ва бу ҳолат ўқитувчиларнинг дарс ўтиш жараёнини осонлаштиради, иқтидорлиларни аниқлаш ва муносиб тарбиялаш имконини беради.

Маҳмуд Йўлдошев,
психология фанлари номзоди

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ўзимга тегишли мулкни бошқа шахсга ҳадя сифатида бермоқчиман. Ҳадя қилиш тартиб-қоидалари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Равшан АҲМЕДОВ

Меҳнатобод тумани

Ҳадя шартномаларини тасдиқлаш тартибига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдиданги мулкий мажбуриятдан озод қилиш ёки озод қилиш мажбуриятини олиш ҳадя шартномаси асосида белгиланади. Шартнома тегишли тартибда нотариал идоралари томонидан рўйхатга олиниши лозим.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси тан олинади.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Ҳадя шартномасида ҳадя нарса аниқ кўрсатиб қўйилган бўлиши лозим. Агарда ҳадя қилинаётган нарса аниқ кўрсатилмасдан киши ўзининг мол-мулкнинг бир қисmini ҳадя этишни ваъда қилиши ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Ҳадя шартномасида ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши мумкин. Нотариус Ҳадя шартномасини тузиш олдидан тарафларга Фуқаролик кодексининг 502-510-моддалари мазмунини тушунтириб, бу ҳақда ҳадя шартномасига ёзиб кўяди.

Шартноманинг предмети кўчмас мулк бўлганида, мулкларни бошқа шахс номига ўтказиш ҳақидаги битимларни тасдиқлаш қоидаларига биноан амал қилинади, шартнома предмети автотранспорт воситалари бўлса, автотранспорт воситаларини бошқа шахс номига ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади.

Умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади. Умумфойдали мақсад хайр-эҳсоннинг фарқли белгилари ҳисобланади. Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг руҳсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Нотариус шартномани тузиш олдидан тарафларга Фуқаролик кодексининг 511-моддаси мазмунини тушунтириб, бу ҳақда хайр-эҳсон шартномасига ёзиб кўяди.

Уй, квартиранинг бир қисmini хорижий фуқаролар, шу жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳадя қилиш бўйича Ҳадя шартномаларини тузиш, шунингдек, Тошкент шаҳрида жойлашган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисmini Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқароларга ҳадя қилиш бўйича Ҳадя шартномаларини тасдиқлашда ушбу йуриқноманинг 57-58-бандлари амал қилинади.

Р.ҚУЧҚОРОВ,
Жиззах шаҳар 1-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган лабораторияда оқ халат кийган ходимлар, ёш тадқиқотчилар. Генлар билан тиллашаётган ёш йигитлар нигоҳида олимларга хос синчковлик.

Марказнинг етакчи илмий ходими Иброҳим Абдурахмонов ҳар доимгидай банд. 35 ёшдаги биология фанлари доктори Иброҳим Абдурахмонов АҚШнинг Техас штатидаги қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олган нуфузли университетда таҳсил олган. Унинг пахта генетикаси бўйича изланишлар натижалари Европа олимлари томонидан ҳам юксак баҳоланган. Бир қанча хорижий мамлакатларда малака ошириб қайтган.

— Кейинги йиллари биология фанида юз бераётган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, экологияга оид қатор муаммоларни самарали ҳал этиш, замонавий инновацион технологияларни татбиқ этиш имконини берди, — дейди биз билан суҳбатда И.Абдурахмонов. — Бунга ёрқин далил сифатида олимларимизнинг амалга ошираётган тадқиқотлари тиббиёт ва қишлоқ хўжалигига самарали татбиқ этилаётгани, биотехнологияларнинг истиқболли лойиҳаларини айтиб ўтиш мумкин.

Бундай тезкор ривожланиш янги асримизнинг башларига келиб бир неча юксак организмлар геномларининг, яъни генетик материал — DNKнинг чуқур ўрганилишига асос бўлди. Бунинг натижасида фанда ҳар қандай зукариотик (ядроли хужайра) генларни клонлаш, генлар инженерияси, нокатуи, генларни “алмаштириб қўйиш”, “асос хужайралар” ёрдамида организмни ўстириш каби кашфиётлар қилинди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий янги биотехнологиялар ва геномика каби биология фанининг янги йўналишлари пайдо бўлишига замин қилинди. Инсон ҳаёти, организми, ўсимликлар ва табиат билан боғлиқ кўплаб муаммолар пайдо бўлган бугунги даврда биотехнологиялар ва геномика ютуқлари — юқори даражадаги инновацион технологиялар уларни ҳал этишнинг самарали йўллари очиб бермоқда.

Лабораториямизда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар келгусида юртимиз илм-фани ривожига ҳисса қўшиши, соҳага доир муаммоларни замонавий фан доирасида ҳал қила олиши жуда муҳим. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимиз ҳаёти, одамлар турмуш тарзини юқори босқичга кўтарадиган, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган илмий тадқиқотларни кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Марказга жалб қилинган кўплаб ёш кадрларнинг изчил саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда ноёб гўза генофонди чуқур молекуляр-генетик таҳлилдан ўтказилди ва Ўзбекистон гўза селекциясининг интеллектуал мулки ва халқимизнинг бойлиги ҳисобланган қатор қимматбаҳо гўза навларининг молекуляр-генетик паспортлари яратилди. Мамлакатимиз олимларининг бундай кашфиётлари натижалари дунёнинг нуфузли нашрларида чоп этилди, қатор халқаро анжуманларда кенг муҳокама қилинди. Йирик халқаро анжуманларда тадқиқотчиларимиз маърузаларига катта қизиқиш билдирилди.

Бу даргоҳнинг ёш олимлари — биология фанлари номзодлари Забардаст Бўриев, Алишер Абдуллаев, Шухрат Шермагов, Фахриддин Кушанов кабилар дунёнинг қатор ривожланган мам-

лакатлари биотехнология марказларида малака ошириб қайтдилар ва гўза геномини чуқур тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

— Ёш тадқиқотчиларнинг бу ердан қадами узилмаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим, — дея давом этади Иброҳим Абдурахмонов. — Яхшиши, ўзингиз улар билан гаплашиб кўринг.

Ёш ва устоз олимларнинг самарали фаолияти туфайли кейинги 10 йил давомида лабораторияда дунё фанида биринчи бўлиб пахта толаси сифатини оширувчи, гўзанинг эрта гуллаши, турли стрессларга чидамлилигини таъминловчи ўнлаб генлар ажратиб олинди ва клонланди. Бир неча минглаб молекуляр маркерлар (DNK бўлаклари) гўза геномидан клонланиб, мураккаб агрономик белгиларни бошқарув-

Barkamol avlod — mamlakat kelajagi

ath-miR 813 аниқланди. Бугунги кунда трансген гўза линияларини яратишда бу микроРНКларнинг нуклеотидлар кетма-кетлиги асосида махсус тузилган синтетик вектор конструкциялардан фойдаланилмоқда. Бу ишларни бажаришда устозларимиз катта ёрдам бердилар.

Яна бир ёш олим Умид Шопўлатов гўзанинг шўрланишга чидамли навларини карталаштириш бўйича илмий тадқиқот олиб бормоқда.

— Экин майдонларининг шўрланиши жаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади, — дейди Умид ўз изланишлари ҳақида гапираркан. — Ўзбекистон шароитида уларнинг шўрланиш даражаси айрим ҳудудларда 90 фоизга ета-

хам шу соҳада қатор самарали ишлар олиб борилаётганлигидан бохабар эдим. Билишимча, юртимизда молекуляр генетика билан жиддий шуғулланаётган ягона илмий маркази бу “Геном технологиялари маркази” эди. Шу боисдан ушбу лабораторияга бўлган қизиқишим янада ортди.

Бакалавриятни тамомлагач, ЎзМУ биология-тупроқшунослик факультетига генетика йўналиши бўйича магистратура босқичига ўқишга қабул қилиндим. Ўқув йилининг дастлабки паллаларидаёқ генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси таркибидаги ушбу — мен азалдан танишиш иштиёқида юрган “Геном технологиялари маркази”га келишга қарор қилдим. Лабораторияга кирар эканман, мени марказ раҳбари Иброҳим ака самимият билан кутиб олди. У киши билан ўзаро суҳбатда ўзимнинг соҳага қизиқишимни ва айти пайтда генетика йўналиши бўйича магистратура босқичига ўқишга қабул қилинганим тўғрисида гапириб бердим. Шундан сўнг у мени лаборатория хоналари, техник ускуналар ва ходимлар билан таништирди. Хоналар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, мен тасаввур қилганимдан-да салобатли эди. Иброҳим ака агар хоҳласам, шу ерда ишлашим ва барча тажрибаларни ўз қўлим билан амалга оширишим мумкинлигини айтди. Бу таклифни иккиланмасдан қабул қилдим ва шу куннинг ўзидаёқ ишга киришдим.

Магистрик диссертациям мавзуси ҳам ген муҳандислигига бағишланган эди. Забардаст Бўриев раҳбарлигида гўзага кучли зарар келтирувчи паразит чувалчанглар ва уларга қарши курашувчи МС-3 гени ва унинг фаолиятига бағишланган қатор тажрибалар ўтказдик. Шу мавзуга оид адабиётлар билан танишдим ва яқунда диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим.

Магистратура босқичини тамомлагач, шу лабораторияда кичик илмий ходим сифатида иш бошладим. Ҳозирга қадар турли методлар ва хорижий техникаларни бошқариш кўникмасига эга бўлдим. Келажакдаги асосий мақсадим — геномика соҳасидаги илмий изланишларимни давом эттириб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш. Орзуим — ҳамкасбларим қаторида Ўзбекистон илм-фанига имкон қадар ўз ҳиссамни қўйиш ва бунинг маҳсули сифатидаги ўзбек пахтачилигининг тараққий этишига кўмаклашиш. Марказдаги барча ёшларнинг энг эзгу мақсади ҳам шу.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг кўрсатма ва тавсиялари соҳани дунё илм-фани даражасида ривожлантириш ҳамда тадқиқотларни мақсадли равишда молиялаштириш, Ўзбекистонда янги биотехнологиялар ва геномика фанининг ривожланишида алоҳида аҳамият қасб этмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Геном технологиялар марказида қатор фундаментал натижалар қўлга киритилаётган. Гўза геномикаси ва биотехнологиясини ривожлантириш, гўзанинг қатор серҳосил, касаллик ва зараркундаларга чидамли навларини яратиш бўйича қўлга киритилган ютуқлар шулар жумласидандир.

ГЕНЕТИКА ФАНИ

юртимиз олимлари томонидан бу соҳада йирик тадқиқотлар олиб борилмоқда

чи генлар бу маркерлар ёрдамида карталанди (тавсифланди) ва гўзадаги анъанавий селекцияни ўта самарадор замонавий генларга ёки маркерларга асосланган селекция (МАС) технологияси билан бойитишга эришилди. Олимлар томонидан бу генларнинг фаоллигини генни “ўчириб қўйиш” орқали бошқариш технологияси ишлаб чиқилиб, гўзада тола узунлиги ва гуллашга халақит берувчи бир неча генлар функцияси тўхтатилишига эришилди ҳамда юқори агрономик кўрсаткичли трансген гўза шакллари яратилди...

— 2003 йили ҳали олий ўқув юртининг тўртинчи курсида ўқиётган пайтимда илк бора бу ерга келганман, — дейди марказнинг умидли ёш олимларидан бири Абдусалом Маҳкамов. — Тўғриси, факультетда учрамаган “бегона” жиҳозлар бир оз ҳайрон қолдирганди ўшанда. Бугунги кунда бу ерда ундан бир неча баробар самарали бўлган жиҳозлар бор ва улар билан ишлай оламиз.

Тола ривожланишида иштирок этадиган кичик РНК (рибонуклеин кислота)нинг клонланиши ва унинг характерланиши мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб боряпман. МикроРНК барча генлар фаолиятини посттранскрипционал даражада бошқаради. 2001 йилга келиб, барча юксак организмларда кичик РНК мавжудлиги аниқлангандан сўнг кўпгина дунё олимлари томонидан ўрганила бошлаган. Бизнинг лабораториямизда ҳам айнан гўза толаси ривожланишида иштирок этадиган кичик РНК ўрганила бошланди. Бу мураккаб тола ривожланишининг молекуляр механизминини тушунишга замин яратади.

Тадқиқотдан мақсад мураккаб тола ривожланишида иштирок этадиган кичик РНКларни клонлаш ва характерлашдан иборат. Ишнинг аҳамияти тола ривожланишини бошқарувчи микро РНКларни топиш ва унинг молекуляр механизминини очиб бериш билан боғлиқ. Ишни бажариш давомида тола ривожланишида иштирок этадиган учта микроРНКлар — miR172, miR390 ва

ди. Ер юзиде қишлоқ хўжалигида фойдаланилувчи экин майдонларининг 20 фоизи турли даражада шўрланган. Ушбу вазият ўсимлик ривожланиши, айниқса, ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Мен тадқиқот олиб бораётган номзодлик диссертацияси гўзанинг шўрланишга чидамли генларини аниқлаб, молекуляр маркерлар ёрдамида тадқиқ этиш ҳамда уларни таснифлашга қаратилган.

Илмий ходимлар сафига эндигина олий ўқув юртини тамомлаган изланувчан ёшлар келиб қўшилмоқда, лабораторияда тажриба-синовларини ўтказмоқда. Обид Тўраев, Мирзакамол Аюбов шулар жумласидан. Уларни суҳбатга тортамиз.

— Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини битирдим, — дейди ёш тадқиқотчи Обид Тўраев. — Турли шароитда етиштирилган пахта толаси сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш айти кундаги илмий изланишларим асосини ташкил этади. Келажакда гўза толаси сифатини яхшилашга қаратилган тадқиқотим ўз мевасини беради.

— Мазкур марказга 2008 йили келган бўлсам-да, унинг фаолияти тўғрисида ўқувчилик йилларимда эшитгандим, — дея суҳбатга кўшилади Мирзакамол Аюбов. — Ўша пайтлари табиий фанларга қизиқишим кучли бўлгани боис, биология-кимё фанларини севиб ўқирдим. Кейинчалик устозим Йўлчивой Абдурахмоновнинг маслаҳати билан Наманган давлат университетининг кимё-биология факультетига хужжатларимни топширдим. Талабалик даврида биологиянинг эндигина ривожланиб келаётган замонавий тармоғи — молекуляр генетика соҳасидаги янги кашфиётлар тўғрисида ҳайратланиб ўқирдим ва айти дамда Ўзбекистонда

Ҳа, давлатимиз раҳбари томонидан олимларимизга устувор илмий йўналишлар белгилаб берилгани, фан соҳаларига малакали ёш кадрларни жалб қилиш, кенг фаолият олиб боришни таъминлаш ҳамда тадқиқотларни молиялаштиришнинг самарали тизими яратилгани бундай ютуқларнинг асосини ташкил этади. Қолган ютуқлар эса ҳали олдида.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

1991

■ **Пойтахтдаги жами мактаблар сони** — 322та.
Шундан:
замонавий типдаги — 180та;
мослаштирилганлари — 132та;
авария ҳолатидаги — 10та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:**
дарсликлар таъминоти — 88 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 46 фоиз;
компьютер ва ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 46 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 46 фоиз.

■ **Пойтахтдаги болалар спорти объектлари:**
спорт залига эга мактаблар сони — 282та;
болалар спорти объектлари сони — 20та;
болалар спорти объектларининг спорт анжуманлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 75 фоиз;
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 8 фоиз.

■ **Шаҳардаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 30та.
Шундан:
замонавий типдаги — 6та;
мослаштирилганлари — 21та;
авария ҳолатидаги — 3та.

■ **Шаҳардаги хунар-техника билим юртлари сони** — 56та.
Шундан:
замонавий типдаги — 36та;
мослаштирилганлари — 20та;
авария ҳолатидаги — йўқ.

■ **Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:**
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 65 фоиз;
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 57 фоиз;
мавжуд техника воситалари сони — 5850та.

■ **Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:**
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 2650 нафар.
Шундан:
фан номзодлари — 53 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 1840 нафар.

■ **Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони** — 52та.

■ **Хунар-техника билим юртларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони** — 7200 нафар.

■ **Пойтахтдаги олий таълим муассасалари сони** — 21та.
Шундан:
университетлар — 2та;
институтлар — 19та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

● **Мустақиллик йилларида икки нафар ўқитувчи «Ўзбекистон Қахрамони» деган юксак унвонга мушарраф бўлди.**

● Шаҳар халқ таълими тизимида жами 223 нафар ўқитувчи давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шундан 11 нафари «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси», 22 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 10 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 4 нафари «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони, 4 нафари «Эл-юр хурмати», 7 нафари «Меҳнат шухрати», 16 нафари I даражали «Соғлом авлод учун», 21 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 30 нафари «Дўстлик» орденлари ҳамда 77 нафари «Шухрат» медаллари билан тақдирланган.

● «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳаси доирасида 32та етакчи кластер мактаби ва 4та пилот мактаби замонавий компьютер технологиялари билан таъминланган ҳолда шаҳар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига илғор тажрибаларни ўргатиб келмоқда.

● «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўриктанловининг республика босқичида шаҳар ўқитувчиларидан 340 нафари иштирок этган

Умумий ўрта таълим



бўлиб, шундан 51 нафари совринли ўринларни қўлга киритди. Голибларнинг иш тажрибасини омалаштириш мақсадида «Ижодий таянч мактаблари» ташкил этилган.

● **Илғор тажрибали 271 нафар ўқитувчининг иш тажрибаси республикада, 700 нафардан зиёд ўқитувчиники эса шаҳар мактабларида омалаштирилиб, улар томонидан яратилган 1583та методик тавсия таълим жараёнига самарали татбиқ этилмоқда.**

● 201та умумтаълим мактаби «ZiyoNet» тармоғига уланган. 59та ахборот-ресурс марказига 90 мингга яқин ўқувчи аъзо бўлган.

● **Умумтаълим фан олимпиадаларининг республика босқичида 48 нафар ўқувчи совриндор бўлишга эришди.**
● 2008 йилда бўлиб ўтган 43-Халқаро Менделеев олимпиадасида Тошкент шаҳри вакиллари 1та олтин, 1та кумуш, 3та бронза медаллари билан тақдирланди.

Болалар спорти

● **Мактаб ўқувчилари халқаро спорт мусобақаларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, 431та олтин, 217та кумуш, 64та бронза медалини қўлга киритди.**

● Сергели туманидаги 11-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Б.Абдуллаева тазквандо бўйича Корейда чемпионатда 1-ўринни эгаллаб, олтин медал билан тақдирланди.

● **Чилонзор туманидаги 22-БЎСМ тарбияланувчиси Белла Гаджиева сузиш бўйича Польшада ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида голиблик шохсупасига кўтарилди.**

● Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида Сергели туманидаги 11-БЎСМ тарбияланувчиси И.Маҳамматов белбоғли курашдан 2-ўринни эгаллаб, кумуш медал билан тақдирланди.

● **«Умид ниҳоллари—2003» спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри жамоаси умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллаб, Президент табригининг асл нусхаси ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.**

● Ёш спортчилар ушбу нуфузли спорт мусобақаларида мунтазам равишда кучли учликдан ўрин эгаллаб, жами 341та олтин, 151та кумуш, 51та бронза медалини қўлга киритди.

● **Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими томонидан 1000га яқин ўқувчига спорт кийимлари совға қилинди.**

● 469та мактабгача таълим муассасаси ва боғча-мактаб мажмуаларида 4610 нафар тарбияланувчи бадий-гимнастика тўғарагида шуғулланмоқда. Уларга 27 нафар мураббий бириктирилган.

ТОШКЕНТ



ШАҲРИ

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими

● **Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида фаолият кўрсатган 88 нафар ўқитувчи ва педагог-муҳандис турли даражадаги давлат мукофотлари билан тақдирланди.**

● 135 нафар ўқитувчи Германия, Голландия, Корея, Хитой, Россия, Канада каби ривожланган давлатларда ўз малакасини ошириб қайтди.

● **2010 йили Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 20та билим маскани манзиллий дастурга кўра капитал реконструкция қилинди. Шундан 615 ўринли 3та касб-ҳунар коллежи, 150 ўринли 2та академик лицей янгидан бунёд этилди. Бу ўқув масканлари тўлиқ замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланди.**

● Жорий йили 8та мутахассислик доирасида ўтказилган «Касб маҳорати» кўрик-танловининг республика босқичида шаҳар жамоаси вакиллари билан 7 нафар 1-ўринга сазовор бўлди.

● **Умумтаълим фанлари бўйича ўтказилган фан олимпиадаларида Тошкент шаҳридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритиб, 9 нафар ўқувчи совриндор бўлди.**


● «Баркамол авлод—2008» спорт мусобақаларида Тошкент шаҳри жамоаси 59та олтин, 54та кумуш, 9та бронза медаллари билан тақдирланди.

● «Сиз қонунни биласизми?», «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловларининг республика босқичида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей жамоаси 1-ўринни қўлга киритди.

● «Наврўз ва қадриятлар» кўрик-танловининг республика босқичида Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Саодат Ҳасанова 1-ўринни эгаллади.

● **Жорий йилда 1-Тошкент педагогика коллежи ўқувчиси Осиё Жайлобова ҳамда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиси Нодира Дадамухамедова Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.**

● Кейинги икки ўқув йили мобайнида тарихий шаҳар ва обидаларга 17 минг нафардан зиёд ўқувчининг саёҳати уюштирилди.



2010

■ **Шаҳардаги жами мактаблар сони** — 295та.
Шундан:
янги қурилганлари — 5та;
капитал реконструкция қилинганлари — 16та;
капитал таъмирланганлари — 116та;
жорий таъмирланганлари — 158та.

■ **Мактабларнинг моддий-техник базаси:**
дарсликлар таъминоти — 99,3 фоиз;
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 83 фоиз;
компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 80 фоиз;
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 100 фоиз.

■ **Пойтахтдаги болалар спорти объектлари:**
спорт залига эга мактаблар сони — 288та;
болалар спорти объектлари сони — 35та;
болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 100 фоиз;
ёшларнинг оммавий спорт тадбирларига қамраб олинганлиги — 37 фоиз.

■ **Пойтахтдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 30та.
Шундан:
замонавий типдаги — 4та;
янгидан қурилатганлари — 2та;
капитал реконструкция қилинганлари — 4та;
мослаштирилганлари — 20та
(2010-2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгиланади).

■ **Пойтахтдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) сони** — 118та.
Шундан:
замонавий типдаги — 115та;
мослаштирилгани — 3та.
Академик лицейлар сони — 39та.
Касб-ҳунар коллежлари сони — 79та.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:**
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 85 фоиз;
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 100 фоиз;
мавжуд техника воситалари сони — 16000та.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:**
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 12729 нафар.
Шундан:
фан докторлари — 57 нафар;
фан номзодлари — 433 нафар;
олий маълумотли ўқитувчилар — 12231 нафар.

■ **Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони** — 39398 нафар.

■ **Шаҳардаги олий таълим муассасалари (ОЎУ филиаллари) сони** — 37та.
Шундан:
университетлар — 8та;
институтлар — 14та;
академиялар — 1та.
Шундан Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, Давлат божхона ва солиқ қўмитасига тегишли олий таълим муассасалари — 8та.
Хорижий давлатлар олий ўқув юртларининг филиаллари — 6та.



ЙЎҚОТИЛГАН СОВҒА — КЕЛАЖАК ДЕБОЧАСИ

У дадаси туғилган кунига совға қилган самолётчани ҳали ҳам эслайди. Бу ўйинчоқ ақлини таний бошлаганида дадасининг илк совғаси бўлгани учунми унинг кўнглига жуда яқин эди. Аммо иқтидорини намоён этишга имконият яратган бир воқеа содир бўлди-ю, Дмитрий бу сеvimли ўйинчоғидан айрилди.

Сеvimли самолётчасини йўқотиб қўйган Дмитрий дадасига йиғлаб хархаша

фаолиятимнинг дебочаси бўлганди.

Техника фанларига қизиқиш ёш Дмитрийни Тошкент давлат техника университетига чорлади. Бу даргоҳда сабот, эътибор ва иштиёқ билан олинган таълим, устозлардан ўрганилган тажриба мураббий-педагог фаолиятининг муқаддима-сидаёқ сезила бошлади. 90-йилларнинг бошлари ўзи ва маҳоратли шогирдларининг республика ва халқаро миқёсда ўтказилган турли кўрик-танловларда зафар кучишлари мутахассислар-

ШОГИРДЛАР КАМОЛИ — МЕНИНГ ИСТИҚБОЛИМ

...Кўёш нурларидан энергия олиб, учувчисиз самоларда парвоз қилувчи ракета лойиҳасини АҚШ, Франция, Россия, Озарбойжон каби нуфузли давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар синчковлик билан томоша қилмоқда. Уларнинг кўзларида қизиқиш аломатлари билан биргаликда ҳайрат учкунларини ҳам кўриш мумкин. «Наҳотки мана шундай мураккаб, ҳам истиқболли ихтирони лицей ўқувчиси,

тинимсиз изланишга, мақсад йўлидаги тўсиқ-

ларни енгиб ўтишга рағбатлантирилсагина барқ уриб қулоч ёзади, гуллаб, мева беради. Менинг ҳаётда ўз ўрнимни топишимда, муайян ютуқларни қўлга киритишимда, тақдиримга бефарқ бўлмаган, орзулар рўёби сари курашга руҳлантирган устозим Дмитрий Белоглазовнинг хизматлари катта. У кишидан бир умрга қарздорман, — дейди ракета-космик моделлаштириш бўйича 2 карра республика чемпиони, «ХАКМ — 2009»

Ustoz — elda aziz

лалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими ва ўқувчи-ёшлар техник ижодиёти Маркази ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлигида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясини юксалтириш, ракета техникаси, автомодел ва кемасозлик соҳасига қизиқтириш ҳамда истеъдодли болаларни халқаро аэрокосмик мактабига жалб этиш мақсадида уюштирилган мусобақаларнинг «Авиамодел», «Кемасозлик» йўналишларида биринчи ўринни қўлга киритди, — дейди Дмитрий

САМОНИ КЎЗЛАГАН БОЛАЛАР

қилай деса, бу кўнгилсиз ҳолатнинг айбдори ўзи: уни болалар билан чўмилишга рухсатсиз олиб кетиб, анҳор қиргоғида унутиб қолдирган. Қайтага эътиборсизлиги ва ўйинқароқлиги учун онаси уни бироз койди.

Дмитрий шу воқеадан сўнг бироз хафақол юрди-ю бирдан ёғоч ва картонлардан худди ўшанақа, бўш вақтининг мазмунига айланган «учар от»ни ясашга киришди...

ЗАФАРЛАРГА ПОЙДЕВОР ЛАҲЗАЛАР

Техника фанлари номзоди, моделлаштириш бўйича спорт устаси Дмитрий Белоглазов бу воқеаларни эсларкан, юзига табассум югуради.

— Ушанда олти ёшда эдим, — дейди ҳикоямиз қахрамони. — Шундан буён техника соҳасига, ракета ва самолётларни моделлаштиришга ҳаётимни бағишладим. Илк ясаган самолётим ҳали ҳам шахсий музейим экспонатларининг олд қаторидан жой олган. Ахир мана шу ижодим меваси — оддийгина ўйинчоқ қизиқиш ва ҳаракатларимни маълум йўналишга солган, умримнинг мазмунига айланган

нинг ёш техникларга эътиборини кучайтирди.

Дмитрий Белоглазов мураббийлар ўртасида бўлиб ўтган «Авиамодел», «Космик макетлаштириш ва моделлаштириш» танловларида бир неча бор шаҳар ва Ўзбекистон чемпиони, 1995 йилда Россия Федерациясида ўтказилган мусобақада олтин медаль, 1996 йили жаҳон кубоги баҳсларида кумуш медаль совриндорига айланди.

1997 — 2008 йилларда Ангрэн ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида директор лавозимида ишлаган Д.Белоглазов бу масканда педагог сифатида қимматли тажриба тўплади, мураббийлик фаолиятининг ўзига хос ва мос йўналишларини белгилаб олди. Бу эса ҳозирда Тошкент шаҳар Сергели тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида Техника бўлими бошлиғи бўлиб ишлаётганида ҳам асқотмоқда.

Талабчан мураббий, моҳир педагог Дмитрий Белоглазовнинг мураббийлик маҳорати ва фидокорона меҳнати шогирдларининг мамлакат ва халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқларида, тинимсиз изланиб, кема, самолёт, ракета ва автомоделларнинг ўзига хос намуналарини яратаётганида кўринади.



оддийгина қизалоқ ишлаб чиққан бўлса?!

Шу кун академик Воҳидов номидаги Халқаро ёшлар аэрокосмик жамғармаси томонидан ҳар йили ташкил этиладиган «Халқаро аэрокосмик мактаб — 2009» мусобақасида ракета-космик моделлаштириш йўналиши бўйича Сергели тумани ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази тарбияланувчиси, Дмитрий Белоглазовнинг иқтидорли шогирди Светлана Полякова яратган ўзиучар, кўёшбатареяли ракета модели мутахассис ва тадбирга йиғилган ишқибозлар томонидан юқори баҳоланиб, олтин медалга лойиқ топилди.

— Ҳар бир одамда ўзига яраша иқтидор ва истеъдод мавжуд бўлади. Бироқ у меҳр билан парвариш қилинсагина, ўз вақтида тўғри йўналишга солиниб,

(Халқаро аэрокосмик мактаби) голибаси Светлана Полякова.

Устоз ўз шогирдлари ҳақида гапирар экан, тўлқинланиб кетади. Уларнинг ҳаракатчан ва ташаббускорлигидан, изланиш ва меҳнатдан қочмаслигидан фалонанилади. Ўтган йили ёшларнинг техник спорт турларини ривожлантириш мақсадида ташкиллаштирилган «Космик макетлаштириш ва моделлаштириш» бўйича мактаблар ўртасида «Умид ниҳоллари» республика кўрик-танловида жами олтинта номинацияда ўтказилган мусобақаларда голибликни эгаллаган Бобур Неъматов, Алибек Жуманиёзов, Шаҳзод Чавондозов, Ферузбек Алломов каби ўқувчиларнинг ўз шогирдлари эканлигидан гурурланади.

— Бизнинг жамоа жорий йилнинг 15 сентябрида Бо-

Белоглазов. — Бу ёш иқтидорли шогирдларимнинг келажаги порлоқлигига, Ватанимиз тараққиёти ва спортининг ривожини учун муносиб ҳисса қўшишларига ишонаман.

Ҳозирда жамоамиз қатъият билан шу йилнинг 28 октябрида бўлиб ўтадиган «Космик макетлаштириш ва моделлаштириш» бўйича Ўзбекистон кубогига ҳамда 2 ноябрда ўтказиладиган Миллий авиация спорт клубининг аънавий кубогига тайёргарлик кўрмоқда. Мақсадимиз — ушбу танловларда голиблар қаторидан жой олиш.

Шогирдларим муваффақияти мени янада самарали ишлашга ундайди. Орзуларим рўёбини уларнинг камолида кўраман.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Томирларимда бир ҳис уйғона бошлади. Кўнглим кенгликларидан туйғуларимнинг шодон қийқириғи мени бахтга етакларди. Мен англай бошлагандим...

Севинчларимнинг севгилари саодатли кунларни ҳаёда этишдан чарчамас, мен эса ҳадяларнинг гўзаллигига махлиё эдим. Мен севишни ўргана бошлагандим...

Нурдан тупроққача бўлган сирли хилқатнинг маъносига тушуна бошладим. Нурнинг моҳиятини англадим, тупроқнинг баракасини, хокисорлигини севиб қолдим. Бир-бирини қувалаб юрадиган шўх тўлқинларнинг, гулларнинг ифорини тортқилаб ўйнайдиган шаббоданинг, Она Еримнинг суратини чизмоққа шайландим.

АЖТЛАМ

Илк тасвирни нимадан бошлашни узоқ ўйладим.

Қишда мусаввир қаҳратоннинг ҳомийлигида бетакрор гўзалликка айланадиган табиатини, баҳорда чунонам гунчалайдиган, ифоридан кўнгли маст бўладиган гулларними, авжи саратонда полизда тарс-тарс ёрилиб иштаҳани кўзгайдиган қовуну тарвузларними, куз келганида ҳосили мўллигидан қаддини кўтаролмай қоладиган беҳи дараклариними, қай бирини чиз-

Tuyg'u



сам экан? Умримнинг

тўрт фаслини ҳам бекиёс мўъжизаларга тўлдираётган бу қудратнинг исми нима? У қандай тасвирланади? Ўйлай-ўйлай, ахири, атрофимдаги барча-барча нарсани шундайлигича юрагимга кўчириб қўя қолдим. Кўнглим кенгликларидан бир сурат пайдо бўлди. Шундай сўлим, шундай суйгули, кўргандагина эмас, эшитганда ҳам ҳавас кетадиган бу суратни «ВАТАН» дея номладим.

Умримнинг такрорланмас лаҳзаларини бахтга тўлатиб, инжиқ кўнглимни аллалаб мени улғайтираётган муқаддас маъвом! Сен сабаб болалигим қувнаб ўтди. Ҳозир уни эсласам, ўша беташвиш, осуда дамларимга қайтгим келади. Уни қўмсайвераман. ВАТАН! Сенинг борлигинг менга англаш, фикрлаш саодатини берди. Ўзимнинг келажагим ҳақида ширин халлар сура оламан, улкан орзулар қила оламан. Дўстларим даврасидаги беғубор шўхликлар ҳаётимни ёрқин рангларга беради. Онам кучоғидаги ҳар бир осойиш лаҳзам, сирдош онларим сени севишга ундайверади...

Гули НИГОР

ЯНГИ ДАРСЛИК СИНОВДАН ЎТДИ

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетининг етакчи педагогларидан бири техника фанлари номзода, доцент Абдуқаҳор Имомназаровнинг "Электромеханик тизимларнинг элементлари" номли дарслиги "Таълим" нашриётида чоп этилди.



Дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ушбу фан учун тасдиқланган дастурига тўлиқ мос келади. Унинг биринчи бобида электромеханик тизимлар элементларининг турлари, асосий тавсифлари ва қўлланилиш соҳалари баён этилган. Иккинчи ва учинчи бобларда

ўзгармас ва ўзгарувчан ток бошқарилувчи ўзгарткичларининг ишлаш асослари, асосий куч схемалари ва тавсифлари таҳлили берилган. Шунингдек, дарсликда электромеханик бошқарилувчи қурilmаларнинг асосий конструктив тузилиши, ишлаш асослари, асосий тавсифлари ва ишлатиш соҳалари, бошқарув тизимлари таркибини ташкил этувчи электрон қурilmаларнинг электр схемалари, ишлаш асослари қўлланилиш имкониятлари ёритиб берилган. Тўққизинчи бобда электромеханик тизимларни ишлатиш даврида энергия тежамкорликка эришиш йўллари ва усуллари келтирилган бўлиб, муаллифнинг ўзгарувчан ток электромеханик тизимларни бошқаришда энергия тежамкорлик иш режимларини жорий қилиш бўйича

олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари натижалари ҳам келтирилган.

Талабаларнинг ўтилган мавзуларни ўзлаштирилганлик даражасини синаб бориш мақсадида ҳар бир бобдан сўнг назорат саволлари келтирилган. Шунингдек, дарсликда электромеханик тизимларнинг элементлари фани қўламида кенг қўлланиладиган атамалар ва ибораларнинг тўлиқ таърифлари ҳам берилган.

Бу дарсликдан 2009-2010 ўқув йили давомида Тошкент давлат техника университети энергетика факультети бакалавр таълимнинг "Электротехника,

электромеханик ва электротехнологиялар" йўналиши талабалари учун асосий дарслик сифатида ўқув жараёнида фойдаланилди. Дарсликни ёзишда муаллиф, ушбу соҳадаги фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланган ва мавзуларни раво ёритишга эришган. Ушбу фан бўйича ўзбек тилида чоп этилган бу дарслик талабаларининг электромеханик тизим элементларини ўзлаштиришларида катта аҳамият касб этади.

Н.ПИРМАТОВ,
Тошкент давлат техника университети профессори



ЖУРНАЛИСТЛАР УЧУН ЗАМОНАВИЙ КУТУБХОНА

Мамлакатимизда кутубхона тармоғини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини қондиришга, маданий, маънавий-ахлоқий қадриятларини сақлаб қолишга йўналтирилган янги ахборот марказларини барпо этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ҳамда ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан журналистларнинг турли соҳага оид маълумотларни тўплашларига кўмаклашиш мақсадида замонавий кутубхона ишга туширилди. Ушбу кутубхона замонавий компьютер ва техникалар билан жиҳозланган бўлиб, турли соҳаларга оид маълумотлар базаси, ўқув қўлланмалар ва зарурий адабиётларга эга. Шунингдек, 20 дан ортиқ кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган интернет тармоғи мавжуд. Таъкидлаш жоизки, журналистлар бу ерда мамлакатимизда чоп этилаётган босма ОАВ билан танишиш имкониятига ҳам эга.

Бугунги кунда кутубхонада журналистикага оид 100дан зиёд ўқув қўлланмаларининг электрон нусхалари тайёрланган бўлиб, мавжуд бошқа манбаларнинг ҳам электрон каталоги ва нусхалари яратилмоқда.

Кутубхона журналистлар, айниқса, ёш ходимларнинг интеллектуал эҳтиёжларини қондириш, босма ОАВ ва ахборот агентликларини кенг қамровли ҳамда тизимли ахборот билан таъминлаш, таҳририятларнинг интернет ресурсларини кенгайтириш, умуммиллий шунингдек, дунёвий маълумотлардан фойдаланишда ОАВ ходимларига яқиндан кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуот хизмати

Yangilik



СОҢЛАР ВА ҲАРФЛАР ТИЛСИМИ

Ҳар сонияда бутунжаҳон алоқа тармоғи — интернетда бериладиган хабарлар оқими тасаввурга сизгириб бўлмайдиган даражада улкан миқдорни ташкил этади. Уларнинг барчасини таҳлил қилиб, «ҳазм қилиш»нинг эса мутлақо имкони йўқ. Зеро, таъкидлаш лозимки, фақат анланган ахборотгина илмий қимматга эгадир.



Яқинда Бухоро озиқ-овқат ва энгил sanoat технологияси институти доценти, фалсафа фанлари номзода Бозорқул Каримов ва Бухоро давлат университети ўқитувчиси Азимжон Қаландаровнинг «Сонлар фалсафаси» номли илмий-оммабоп китоби «Бухоро» нашриётида чоп этилди.

Китобни ўқиб, яна бир марта коинот ҳамда инсоният ҳаётида меъёрнинг белгиловчилик аҳамияти ҳақидаги хулосага келдим.

Дунё, жамият, инсоният оламини ўрганувчи фанлар беҳисоб, аммо уларни бирлаштириб турувчи битта занжир бор, бу — сонлар ва ҳарфлардир. Зотан, замонавий фанда ҳар бир натижа миқдорий кўринишда ифодаланиши лозим.

Китобда сонлар фалсафасининг келиб чиқиши, унинг ривожланиши тарихи, инсон ҳаётида сонларнинг тутган ўрни ҳақида қизиқарли маълумотлар оддий мисоллар асосида баён этилган. Унда исмлар, географик номлар тўғрисида ҳам ғоят ўринли масалалар берилган (масалан, матлуб ва номатлуб номлар ҳамда исмлар).

Сонлар фалсафасининг отаси Пифагор "Коинотни сонлар бошқаради, унда бошқа ҳеч нарса йўқ" деган эди.

Албатта, китобда муаллифларнинг баҳс-муҳоказалари ҳам оз эмас. Жумладан, Алберт Эйнштейн айтганидек, "Коинотда геометрия эмас, балки материя ҳукмронлик қилади". Зеро, ҳар бир оқибат — сабабнинг зарурий маҳсулидир...

Мустақим ЖУМАЕВ,
Бухоро давлат университети доценти,
физика-математика фанлари номзода

МАШИНАСОЗЛИК ЧИЗМАЧИЛИГИ

Бухоро давлат университети профессори Ж.Ёдгоров ва доценти А.Нарзуллаев томонидан яратилган "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" дарслиги бакалавр йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, кириш ўн боб ва иловадан иборат. Ҳар бир бобда тегишли мавзу бўйича дастлаб назарий билим баён қилинган, сўнгра унга доир мисоллар берилган. Мисолларни тушуниришда чизмалардан кенг фойдаланилган. Чизмалар 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси метеорология ва Стандартлаштириш Давлат маркази томонидан тасдиқланган конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими талабларига тўла риоя қилинган ҳолда ба- жарилган.

Дарсликда мавзуларнинг мантиқий боғланишига ва ҳар бир мавзунинг мазмунан мазкур фан асосида тушунарли баён этишга катта аҳамият берилган. Шунингдек, ҳар бир бобдан сўнг мазкур боб материаллари бўйича тақрорлаш учун саволлар берилган. Бу талабанинг ўқиб-ўрганиб чиққандан сўнг олган билимини синаб кўришда катта аҳамиятга эга.

Дарсликда ҳар бир боб "Оддийдан мураккабга" тамойили асосида баён қилинган стандарт деталлар параметрлари ўлчамларининг илова қилиниши унинг қимматини янада оширган.

Мазкур манбадан нафақат "Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси" мутахассислиги талабалари, балки техника олий ўқув юрти ва касбуна колледжлари талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Х.УЗОҚОВ,
СамДАҚ институти муҳандислик ва компьютер графикаси кафедраси мудири, профессор,
М.УМАРОВ,
СамДУ касбий таълим ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, доцент

АТИРГУЛ ВА ШАМОЛ

«Бир дехқоннинг икки бўлак ери бор эди. Ерларнинг орасидан катта ариқ ўтган бўлиб, ўнгдагиси бўзтупроқ, сўлдагиси шўртупроқ эди.

Дехқон эрта баҳорда ерларига яхши ишлов бериб, уруғ қадади. Куз келиб, бўзтупроқ ердан мўл ҳосил олди. Шўртупроқ ерда эса ҳосил бўлмади.

Алқисса раҳмдил, меҳрибон, қалби тоза кишилардан яхшилик кутинг. Бағритош, бе- раҳм кишилардан эса узокроқ юринг».

Бу мўъжазгина масал фарғоналик таниқли журналист Баҳодиржон Шокировнинг яқинда чоп этилган «Атиргул ва шамол» китобидан олинди.

«Атиргул ва шамол», айтиш мумкинки, журналистнинг ҳаётий кузатишлари, тажрибаларининг маҳсулидир. Ундан ўрин олган

ҳар бир масал сизнинг кўрган-кечирганларингизга яқин ва ҳамоҳанглиги ана шундан. Китобхонни ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундаши билан эса катта тарбиявий аҳамиятга эгадир. Масаллар қаҳрамонларининг аксарияти турли ҳайвонлар, паррандалар, ҳашаротлар, гулу гиёҳлар. Лекин уларнинг хатти-ҳаракатлари, бир-бирларига муносабатлари инсонларнинг турмуш тарзидан олинган. Муаллиф яхшилик ва ёмонлик, ақлу заковат ва нодонлик сингари муносабату хислатлар ўртасидаги тафовутни китобхон кўз ўнгидега намоён этмоқ учун қиёсий таъриф, масал қаҳрамонлари тилидан сўзлаш усулларида ма-

ҳорат билан фойдаланади. Хулоса чиқармоқни эса ўқувчининг ҳукмига ҳавола этади. Китобдан жой олган «Арча ва печакгул» суҳбатига кулоқ тутаёлик-а:

Арча ниҳолига тирмашиб олган Печакгул мактанди:

— Қара, қандай чиройлиман! Танам кўм-кўк, гулларим эса оқпушти рангда!

Бунга жавобан арча деди: — Лекин сенинг гўзаллигинг фақат баҳорда ҳолос. Мен эса йил давомида яшнаб тураман.

Алқисса, вақтинчалик гўзалликдан доимий кўркамлик афзал.

Китобнинг кирилл ва лотин алифбосида чоп этилган ҳам ўқувчиларга қулайлик туғдирган.

О.МУРОДУЛЛАЕВА



Табиатни севиш туйғуси болалиқдан бошланади. Адабиёт, шеърят ана шу ҳисларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади, десак муболага

ҚУШЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

бўлмас. Негаки, болалиқ олами табиатнинг ҳар бир мўъжизасини ҳайрат билан кузатади. Улар билан тиллашишга иштиёқ сезади ўзида. Болалиқнинг тасаввурдига оламдаги жамики мавжудотнинг забони бор. Кунларни ёритувчи кўёшнинг, тунларни самоларни бежаб турувчи юлдузларнинг, қаҳратонда дераза ойнасига суратлар чизиб кетувчи Аёзбобонинг ҳам одамларга демоқчи бўлган сўзи бор. Шу боис ҳам болалиқ дунёсига бўйлаган қалам-кашлар кўпинча уларнинг қалбига ана шу сўзлар билан йўл

топмоққа уринади.

Ашурали Боймуроднинг «Қушлар тилга кирганда» деб номланган китобчаси ҳам бола-жонларимиз билан диллашишга ана шундай бир уринишдир. Унда қушларга шеърый таъриф берилади ва шу йўл билан қанотли дўстларимизни уларга яқинроқ таништириб, дўстлаштиришга ҳаракат қилинади.

Кўклам чоғи қалдирғоч шеър битибди бир қулоч Эл уйқудан турмасдан чугурлайди

тинмасдан. Лойдан қаср курдилар, меҳнат завқин сурдилар. Полапонлар

шод бўлди, Кўклам шеърӣ Ёд бўлди.

Китобчадаги қушлар расмларининг болажонлар турли рангларда бўяшларига мўлжаллангани ҳам кичкинтойларнинг тасвирий санъатга бўлган қизиқшларини оширишга хизмат қилиши табиий.

О.ОЧИЛОВА

Одам ўзини танигандан буён шу матохнинг баҳоси осмон. Гўё кўкда миллион йиллардан буён бе-миннат зиё сочиб турувчи қуёшдан узиб олинган бир парча нурдек юксак нархли метални деб тарихда қанча салтанатлар тузилди, қанчаси бузилди. Бу метални йиллар давомида халқлар турлича номлашди, турлича таъриф беришди. Кимлардир уни йўлдан адаштирувчи — маккора тарзида салбий баҳоласа, яна кимлардир тириклик манбаи сифатида ижобий ҳодисага йўйди.

Ажабланарлиси, давру давронлар алмашганига қарамай, ўз қийматини йўқотмай, аксинча, ошириб бораётган табиат инъоми ҳали ҳамон "афсона" бўлиб яшаб келяпти... Ҳамма олтиннинг бебаҳо неъмат ҳамда унинг қиймати жуда ҳам баланд эканини яхши билади, аммо ҳамма ҳам у нима учун шундай олий нуфуз, мислсиз шухратга эга ёки қай йўсинда қазиб олинади каби саволларга жавоб ахтариб кўрмайди. Қолаверса, халқимизда "Олтин зангламас" деган нақл юради. Бу ҳам бежиз айтилмаган. Ҳўш, олтин нега зангламайди?

Олтин — **Aurum, Au.** Менделеевнинг кимёвий элементлар даврий жадвалида 79-рақам билан белгиланган, 1-гурӯҳ элементларига мансуб металл, атом массаси 196,9665 г/моль. Атом радиуси 146 пм. Ранги одатда сариқ-қизғиш бўлади, жуда оғир металл: зичлиги 19,3 г/см³ — эриш ҳарорати 1337,58 К. аниқроғи, у 12,68 кЖ/моль иссиқликда эрийди. Асл металллар тоифасига мансуб бундай бойлик сайёрамизда жуда ҳам кам учрайди. Олтинни қадим-қадимдан боларимиз тилла, ёмби (олтин қуймаси), зар каби номлар билан ҳам аташган.

Умуман, олтин инсониятга маълум бўлган энг дастлабки металллардан бири ҳисобланади. Археологик қазилмалар пайтида топилган осори-атикалар милоддан аввалги V-IV асрларга тааллуқли экани маълум бўлган. Бунинг ўзига хос сабаби бор, албатта. Боиси, у табиатда кўпинча эркин ҳолда учрайди. Бунинг содда қилиб тушунтиришганда, яхлит жисм ҳолатида топилади. Яъни, олтин бошқа мураккаб тарзда қазиб олинди, кейин аралаш металллар ичидан сараланадиган унсур эмас. Худди тупроқ, қум орасидан тош топиб олгандек гап эди...

Шунинг учун ҳам ибтидоий даврларда яшаган аждодлар олтин қазиб чиқариш саноати синоатидан деярли бе-хабар бўлганига қарамай, таркибида тилла бўлган, турли

безаклар, тақинчоқлар, буюм ва идишлар ясаган. Эркин олтин конлари топилиб, у ўзлаштирилгунча тилла сочма конларда олтин зарралари аралаш қумни қўй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган.

Кейинчалик давлатчилик асослари тикланиб, аста-секин иқтисодий муносабатлар йўлга қўйила бошлади, олтиндан танга пуллар зарб этиш урф бўлган. Турли тадқиқотлар олтин қазилма-ри қадимдан маълум эканини кўрсатди. Масалан, гана-ликлар ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярмидаёқ олтин конларини топиб, қазиб олишга

тинни соч толасидан беш юз марта ингичкароқ ҳолатгача чўзиш мумкин бўлади. Худди шунингдек, уни парчинлаб (болғалаб) жуда катта юпка ҳам (лист) ҳолатига келтир-са ҳам бўлади.


Тарихдан маълум, вақт ўтиши билан олтинни қазиб олиш саноати тараққий этди. Бу борада катта-катта илмий институтлар йиллаб бош қотирди, унинг софлигини таъминлаш бобида минглаб тажрибалар ўтказилди. Шу ўринда олтин қадри ва нарҳини оширган бир ҳолатга эътиборни қаратиш жоиз. Азал-азалдан одамлар исталган буюминини олтинга айлан-тиришни орзу қилиб келади. Шу тизгинсиз ўй, ажобтовур ҳаёл уни не-не ишларга бош-ламади. Ўрта асрларда ҳатто оддий металлларни олтин ёки қумушга айлантирувчи "ҳик-мат тоши" — иксир излаш билан шуғулланган ҳаёлот ола-ми фуқароси — алкимёгарлар ҳам ўтган. Инсон тафаккури табиатнинг энг қиммат метали бўлмиш олтиннинг соф

ОЛТИН

киришгани ҳақида далиллар бор.

Шу билан бирга, олтин кимёвий жиҳатдан жуда суғ (инертли) элементдир, ҳавода ўзгармайди. У зангламайди, чириб кетмайди, ҳатто рангини, вазнини ҳам сақлайди. Боиси, у таркибий тузилиши жиҳатидан ҳам соф металллар сирасига кирди. Олтин сульфат, нитрат кислота каби кучли эритувчанлик ва емирувчанлик хусусиятига эга кимёвий унсурларда эримайди. Қолаверса, фақатгина махсус **зар суви**да, хлорли сувда ва ишқорий металлларнинг цианидлари эритмаларида олтинни эри-тиш ва унга қайта ишлов бериш мумкин.

Олтиннинг энг ёрқин белгиларидан яна бири — чўзилувчанлигидир. Маълумотларга қараганда, бир грамм соф олтинни уч ярим кило-метр гача чўзиб, майда тола ҳосил қилиш мумкин экан. Бунинг инсон сочи қалинлиги-га қиёслагудек бўлсак, ол-



таркибини аниқлаб, уни кимёвий йўллар билан сунъий тарзда ҳосил қилиш масаласида ҳамон ожиз. Шундай бўлса-да, баъзи футуро-лог олимлар фан-техниканинг фавқуллодда инқилобини кузатаркан, қачонлардир бари-бир башарият азалий орзуси бўлиб қолаётган алкимё муд-даоси — **иксир** ва **ҳаёт эликсирини** кашф этишга муваффақ бўлишига ишона-ди.

Мутахассисларнинг таъкид-лашича, бугунги ҳақиқий олтин майда (бир миллиметр-дан уч сантиметргача) зарра ҳолида кварцга, ҳар хил сульфидли рудаларга, кўпинча қумга аралаш ҳолда топилади. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда ҳам кам, уларнинг энг муҳими калаверит саналади. Ҳажми жудаям кичик бўлишига қарамай, ва-зни оғир бу металл бир граммдан беш граммгача бўлиши мумкин. Аҳён-аҳён-да йирик олтин ёмбилари ҳам топилиб туради. Хусусан, дунё миқёсида энг йирик ёмби Австралияда топилган. "Холтерман плитаси" дея ном-ланган мазкур топилма нақ 93,3 килограмми ташкил эт-ган. Россия ҳудудида ҳам бундай ёмбилардан кўпи аниқланган — 36,04 кило-



Bilasizmi?

Олтиннинг қийматини оширган аслида олтин эмас, одамзоднинг ўзи-ку...

граммлик "Катта учбурчак" уларнинг энг каттасидир.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида келтирилишича, табиатда ўттиздан ортиқ олтинли минераллар маълум. Шунингдек, таркибида олтин бўлган металллар — мис, никель, кўрғошин, рух, қумуш, темир, марганецнинг рудала-

граммга тенг) — оғирлик ўлчови бирлигида аниқланади. Бир британ қироти олтин қотишмасининг йигирма тўртдан бирига тенг. Табиатда эркин ҳолда топилган ёки қазилмалар натижасида олинган зарралар, кварцларга қоришган олтиннинг умумий вазни ўлчанади ва 24-"бўлаги" энг тоза олтин деб ҳисобланади. Соҳадаги етук олимларнинг ушбу мукамал кашфиёти ҳали дунё аҳлини лол қолдиради.

Бир томондан, бу одамни ўйлашга мажбур қилади. Эътибор беринг-а, ҳаётимизда ҳар суткада бир маротаба учрайдиган ҳодиса: одатда ҳар тун соат 24:00дан бош-лаб, бир кунимиз ортда қолди, деб ҳисоблаймиз! Шунинг учун ҳам инсон яшай олган ҳар кунни олтинга тенглаштирса бўлади... Шу зайлда биз бир ёшга улғай-ган чоғда умримиз ғазнаси-дан уч юзу олтиш беш "ол-тин" ҳам харж қиларканмиз...

Олтин ҳақида турли эртан-намо ҳикоялари, афсоналар ҳар бир халқ оғзаки ижодида исталганча топилади. Физика фанидан тортиб, адабиёт-гача ўзининг "олтин"ларига эга. Хуллас, олтин инсоният-нинг тамаддун босқичларида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келган. Ваҳоланки, олтиннинг қийматини оширган аслида олтин эмас, одамзоднинг ўзи-ку...

Ўз ишининг устаси бўлган ишбилармон одамларнинг, оддий тупроққа уруғ сочиб, мўл ҳосил ундирувчи бобо-дехқон қўлларини олтинга қиёслаймиз. Аслида, бундай-ин бунёдкор қўлларнинг ба-ҳоси йўқ! Уларнинг олдида олтин нима бўпти?! Шу ўрин-да биз юқорида таъкидлаган оддий ҳақиқат яна бир қарра ойдинлашади, ўз исботини топади — табиатда учрайди-ган қандайдир металнинг "ол-тин" бўлишига, шухрат қозо-нишига ва не-не кўргуликларни инсоният бошига солишига асосий сабаб инсон-нинг ўзи. Олтин қанчалик қиммату ноёб бўлмасин, ин-сон уни бор-йўғи, эҳтиёжларини қондириш мақсадида сарфлайди.

Дарвоқе, яна бир факт: ҳақиқий олтинга ети-шиш осон эмас, юз фоизлик олтинни учратиш амри маҳол. Учрамаслиги аниқ. Олтин софлигининг фан-да маълум бўлган максимал ўлчови 999,9 пробани ташкил этади, бундан юқориси йўқ! Шундай экан, қуму тошлар орасида сарғайиб, аввал кўзни, кей-ин нафсни "қамаштирувчи" металл эмас, иймону виждонини умрбод софлигича сақлай олган одам-нинг ўзи — асл олтин!


Зоҳиджон ХОЛОВ



РЕАЛЛИККА АЙЛАНДИ

Канадалик шифокорлар дунёдаги ilk телеанестезияни амалга оширган мутахассислар сифатида эътироф этилди. Гап шундаки, улар телемулоқот орқали Италияда амалга оширилган жаррохлик операциясида иштирок этишган. Бу ҳақда «Вайред ЮКей» («Wired UK») манбасида маълум қилинди.

Жараёнда Канада Макгилл университети профессори раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар Пиза университетиде фаолият юритувчи ҳамкасбларига ёрдам бериб, бемордаги қалқонсимон без операциясини амалга оширишган. Италиялик мутахассислар беморга дори етказиб бериладиган зарур найчаларни улашган, даво воситасининг миқ-



дори қанча бўлишини эса канадалик шифокорлар белгилашди.

Тўртта камера ёрдамида беморнинг нафас олиши, юрак фаолияти, қондаги кислород концентрацияси даражаси кузатиб турилди. Канада университетидаги махсус компьютер ёрдамида эса барча маълумотлар ишланган ва керакли кўрсатмалар шу асосда ишлаб чиқилган. Табиийки, италиялик шифокорлар ҳам кутилмаган ҳолатларга тайёр турган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, мазкур тажриба моҳиятан жуда аҳамиятлидир.

Негаки, юқори малакали шифокор ёрдами зарур ҳолларда, хусусан, беморларнинг ҳаёти хавф остида бўлган тигиз пайтларда масофадан туриб керакли тез тиббий ёрдам маслаҳатлари олиш имкони туғилади.

ИНСОН ФИКРИНИ ЎҚИШ МУМКИН(МИ?)

Юта (АҚШ) университети олимлари миядан келадиган сигналларни қабул қилиб, уларни сўзларга айлантиришнинг уддасидан чиқди. Бунда улар бош миянинг ташқи қисмига жойлаштирилган 16та имплантант микроэлектродлардан фойдаланган. Мутахассислар мазкур ихтиро фалаж бўлиб, гапириш қобилиятини йўқотган беморларни даволашда, айниқса, кўл келади, дейилади «Сайнс.км.ру» манбасида.

— Тадқиқот «ўзига беркиниб олиш синдроми»га чалинган одамларни даволашда катта аҳамият касб этади, — дейди бу борада тадқиқотчилардан бири Дик Бьюканан.


Тажрибага эса эпилепсия (тутқаноқ)нинг оғир шакли аниқланган кўнгилли жалб этилган. Унинг бош миясидаги нутқ марказларига бир нечта кичик ҳажмдаги электрод ўрнатилган. Жумладан, сезувчан ускуналар бош мия қобилигининг нутқ фаолиятини амалга оширувчи қисмларидан бирига ҳамда идрок ва тилни тушунишга масъул Вернике қисмига жойлаштирилган. Сўнгра иштирокчидан «ҳа», «йўқ», «иссиқ», «совуқ», «очлик», «салом», «хайр», «кўп», «оз» каби бир нечта сўзни айтиш сўралган. Айни пайтда миядан келаётган сигналлар ёзиб олинган. Яқунда мазкур усул билан «ҳа» ва «йўқ» каби сўзларнинг талаффуз этилаётганини аниқлаш имкони 76 фоизга тенг экани маълум бўлди. Бемор юқоридаги барча сўздан фойдаланган ҳолда гапирганда эса янгича методнинг самараси ҳозирча 28 фоиз бўлиши ҳам аниқланди. Шу сабаб мутахассислар, методикани такомиллаштириш ва электродлар сонини 121тага оширишни режалаштирмоқда. Бу саъй-ҳаракат туфайли бемор талаффуз этаётганда миядан келаётган сигналлар асосида унинг нима ҳақда гапирётганини аниқлаш осонлашиши кутиляпти.



ЙЎЛБАРСЛАР ЯШОВЧИ ЯНГИ ХУДУД

Ҳимолай тоғларининг Бутан давлатига қарашли қисмида шу кунгача илм-фанда қайд этилмаган, лекин маҳаллий аҳоли вакиллари кўп учратган йўлбарслар борлиги аниқланди. Гап шундаки, йўлбарслар бўйича тадқиқотлари билан машҳур бўлган инглиз олими Алан Рабиновиц 4 минг метр баландликда ҳам ҳаёт кечира оладиган бу турдаги ҳайвонларни топиш мақсадида мамлакатда изланиш олиб борди. Натижа эса кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Олимнинг мавзуга бағишланган мақола-си «Биоложи» журналида чоп этилди.

Аввалига мутахассис раҳбарлигида Бутан тоғларида бир нечта сезувчан камералар ўрнатилди. Уч ойдан сўнг эса кузатув тасвирлари олинди. Аниқланишича, бу муддат давомида камералар ёрдамида жуда кўплаб ҳайвонлар —



тулки, тўқайзор мушуги, маймун, леопард, кийик, Ҳимолай айиқлари ва ҳаттоки қизил панда ҳам тасвирга олинган экан. Лекин олимлар диққатини бир жуфт ёввойи йўлбарс тортган. Жуда юқори баландликда олинган тасвирда эркак йўлбарс овга, урғочиси эса болаларини боқишга тайёргарлик кўраётгани акс этган. Мутахассисларнинг фикрича, ҳайвонларнинг ўзини бундай тутиши улар бу ҳудудга фақат ўлжа қидирибгина келмай, балки шу ерда яшайдиган ҳам далолат беради.

— Ҳайвонларнинг тоғли ҳудудда яшаши аниқ факт экани яхши хабар, чунки бунинг ёввойи табиатда йўлбарсларнинг ҳаёт кечириши нуқтаи назаридан аҳамияти катта, — дейди Алан Рабиновиц. — Биз йўлбарсларнинг аниқ яшаш жойини ошкор этмасликка қарор қилдик, боиси шу йўл билангина уларни овчи (браконьер)лардан сақлаб қолиш мумкин. Бу топилма йўлбарсларни кўпайтиришга қаратилган лойиҳалар учун кўл келиши эҳтимолдан холи эмас.




ЭНГ КАТТА ҚУШ

Мутахассислар томонидан энг йирик қушлардан бири сифатида Пелагорнис чиленсис (Pelagornis chilensis) номли қўшқанот тури эътироф этилди. Аниқланишича, тахминан 5-10 миллион йиллар илгари Чили осмони узра парвоз қилган ушбу қушнинг қанотлари қулочи 5 метрдан ҳам ошган экан. Энг қизиги, айна пайтда қушнинг вазни салкам 30 килограмм бўлган, деб ёзади «Журнал оф Палеонтоложи» («Journal of Paleontology») нашри.

Яқинда қушнинг 70 фоизгача сақланиб қолган суяк қолдиқлари топилди. Мамлакат шимолида аниқланган мазкур топилма Сенкенберг институти (Германия) профессори Хералд Майер ва Чилидаги Табиий тарих миллий музейи илмий ходими Дэвид Рубилар томонидан ўрганилди.

— Пелагорнис чиленсис (Pelagornis chilensis) денгиз қуши бўлиб, у ўлжа қидириб, соҳилдан ўнлаб километр масофага ҳам етиб бора олиши аниқланди, — дейди тадқиқотчи Хералд Майер. — Мазкур жиҳат унга ҳаёт учун курашда бошқа турларга нисбатан анча устун бўлишга замин яратган.



Шу билан бирга, ушбу тишли қушлар балиқ ва бош-оёқли моллюскаларни осонлик билан овлай олган. Жонзот кайнозой даврида яшаган ва тахминан 2 миллион йил илгари йўқолиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, қушларнинг йўқолиб кетишига сабаб Панама бўйинининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Негаки, у орқали Жанубий Америка қитъасига ўтган сутэмизувчилар қушларнинг яшаётган худудидан кетишига сабаб бўлган. Яна бир қарашларга кўра, қадимий қўшқанотлилар океан оқимларининг ўзгариши туфайли нобуд бўлган, чунки бунинг натижасида қитъаларни боғлаб турувчи бўғоз йўқолиб кетган.


ПЎЛАТМИ, АЛЮМИНИЙ?

Сидней (Австралия), Уфа авиация техникаси (Россия), Калифорния ва Шимолий Каролина (АҚШ) университетлари илмий ходимлари томонидан алюминий қотишмаси чидамлилигини оширишнинг оддий усули намойиш этилди. «Нейчэ Коммюникэйшнз» («Nature Communications») журналида бу ҳақда маълум қилинди.

Тадқиқот материали сифатида аэрокосмик саноатда кенг фойдаланиладиган 7075 рақамли қотишма ишлатилди. Аввалига қотишмадан диаметри 20 ва қалинлиги 0,8 миллиметрга таёқ қаламчалар ясалган. Сўнгра уларга махсус усуллар билан ишлов берилган. Яъни иккита цилиндр шаклидаги сандон ораллигида 6 ГПа (гигапаскаль) босимда бир-бирига қарши йўналишда ҳаракатлантирилган. Ўн марта айлантирилгандан кейин металл намуналар хона ҳароратида совутилган.

Синовларда шу йўл билан ишлов берилган металлнинг оқувчанлиги (қаттиқ жисмларнинг босим остида шаклини ўзгартириши, масалан, суюлиши, оқиши) хусусияти 1 ГПа катталikka тенг бўлиши аниқланди. Одатда бу кўрсаткич металл ичида фақат пўлатгагина хос бўлишини мутахассислар таъкидлашган.

Тажриба материали тузилишидаги ўзгаришлар атом зондли томография усули орқали ўрганилиб, бунда атомлар жойлашувининг уч ўлчамли моделлари яратилади. Ҳозирча олимлар айнан нима сабабдан материал чидамлилиги ошишига аниқ изоҳ тополмаган бўлса-да, мазкур ишлов бериш усулини амалиётга татбиқ этиш борасидаги ишларни ташкил этишни режалаштирмоқда.



ЯНГИ СУРАТЛАР ОЛИНДИ

«Хаббл» телескопи ёрдамида SN 1987A номини олган юлдузнинг янги суратлари олинди. Мазкур самовий жисм ilk бора 1987 йили астрономлар томонидан аниқлангани, дейилади «Эпокайтмс» манбасида.

Олинган тасвирларда юлдуз юзасида содир бўлган кучли тўқнашув натижасида унинг атрофига газлардан ташкил топган булутлар йиғилгани кузатилган. Олимларнинг айтишича, ҳозирги кунга келиб, SN 1987A юлдузи бизнинг галактикага кўшни кичик самовий жисмлар туркумига киради ва у батафсил ўрганилган юлдузлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, Ердан тахминан 168 минг ёруғлик йили узокликда жойлашган ушбу юлдуз айна пайтда сўнган. Мутахассислар «Хаббл» телескопи ёрдамида самовий жисм қай тарзда йўқолиб бораётганини чуқурроқ ўрганишга муваффақ бўлганини таъкидлашяпти.

— Юлдуздаги тўқнашув туфайли унинг ўраб турган муҳитга жуда катта миқдорда газ ва самовий чанглар ажралиб чиққанидан хабардор эдик, — дейди Колорадо университети (АҚШ) астрономи Кевин Франс. — Сўнгги текширувлар пайтида эса газлар таркибида олтингургурт, кремний ва темир каби моддалар борлигини аниқладик. Ҳозирда газ ва чангдан иборат булут сўнаётган юлдузнинг ташқи қобиғига етиб борган. Қобикда булут юқори ҳароратгача қизийди, натижада у астрономларга маржон шодаси шаклида намён бўляпти.

Шу билан бирга, янги кузатувлар самовий жисмнинг ҳаракатланиш тезлиги ва таркиби қандай бўлгани, юлдузни ўраб турган муҳитга энергия ва оғир элементларнинг қай тариха чиқарилиши ҳақида тушунчага эга бўлишга ҳам тўртки бўляпти.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

«Ma'rifat» газетасининг 2010 йил 18 сентябрдаги «Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани Мирзо Улуғбек шаҳарчаси корхона ва ташкилотлари ҳамда аҳолиси диққатига!» эълонидаги «2010 йил 1 сентябрь» сўзи «2010 йил 1 октябрь» деб ўқилсин.

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси «Ижтимоий фанлар ва маънавийт асослари» кафедрасининг доценти Маҳмуд Алимовга опаси **Темирхон АЛИМОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«ELXOLDING» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси, «ELXOLDING» Илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Сергей Владимирович Узморскийга волидаси **Узморская Мария ИВАНОВНА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти халқ таълими бошқармаси жамоаси бошқарма ахборот хизмати раҳбари ва «Камолот кўзгуси» газетаси бош муҳаррири Бахтиёр Худойбердиевга волидай мухтарамаси **Ўғилой аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Миллионлаб бегуноҳ инсонлар қатагон қилинган ўтган асрнинг машъум йилларида у отасидан олти ойлигидаёқ ажраб қолди. Унинг болалик йиллари иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларига тўғри келди. Аммо у ҳаётнинг тор ва қоронғу сўқмоқларидан ақл машъалини юксак тутиб, олға юра олди. Зеро, оташ пахтани кулга, темирни пўлатга эврилтиргани каби ҳаётнинг залворли синовлари матонатли, билимга иштиёқи баланд бўлган истеъдод соҳибларини эзгу мақсадларидан асло чалғита олмайди. У ҳам онасининг “Яхши ўқи, болагинам. Бу кунлар ҳам ўтар. Раҳматли отанг сизларга яхши таълим-тарбия беришни орзу қиларди. Донишмандлар билим юракнинг ёрқин нури, унда кишининг бутун танижони роҳат топади, деганлар. Турмушнинг барча қийинчиликларини енгиллаштирадиган нур билимдир. Сен фақат ўқишинг керак. Қорнинг овқатга тўймаса ҳам, бошингни билим билан тўлдир”, деган ўғитларига кулоқ тутиб, умри давомида ҳамиша илм-маърифатга интилди, ҳаёт йўлини илм машъали билан мунаввар айлади. Шу боис, ўзи ҳам йўлларни ёритувчи йўлчи юлдузлардан бирига айланди...


Ҳикматли панд-насихатларини, сўзларини ҳамма интизор бўлиб, интиқиб кутадиган бу инсон физика-математика фанлари доктори, профессор Маъруф Исроилов эди.

Маъруф Исроилов 1934 йил 27 апрелда Самарқанд шаҳрида хунарманд оиласида туғилди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат университети (ҳозирги Самарқанд давлат университети)га ўқишга кирди. 1956 йилда мазкур университетнинг физика-математика факультетини муваффақиятли битиргач, шу йилнинг ўзида ЎзДУ математик анализ кафедрасига ассистент лавозимига ишга таклиф этилди.

У ЎзДУ илмий кенгашининг тавсиясига биноан, 1958-1961 йилларда ЎзФА Математика институтида аспирантурада илмий изланиш олиб борди. Аспирантлик даврида биринчи бўлиб, умумий сонли кетма-кетликлар учун Тарри муаммосини текширди ва уни эргодик йиғиндиларни ўрганиш учун қўллади. У венгер математиги П.Эрдешнинг бирлик айлана устида кўпхадлар модули максимумининг қуйи баҳоси ҳақидаги номи чиққан муаммосини умумлашган ва кучайтирилган ҳолда ишончли далиллар билан исботлаб берди. Ушбу илмий ютуқлари асосида 1966 йилда «Ҳадлари тез ўсувчи йиғиндилар учун Тарри муаммоси ва унинг эргодик йиғиндиларга татбиқи» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

М.Исроилов аспирантурани тугатгач, ЎзФА Математика институтининг ҳисоблаш марказида кичик илмий ходим, ЎзФА Кибернетика институтида «Интегралларни тақрибий ҳисоблаш назарияси» лабораториясининг мудирини, ЎзФА Математика институтида «Ҳисоблаш методлари» бўлимининг мудирини лавозимларида ишлаб, тинимсиз илмий изланишлар олиб борди. Устоз 1986 йилда «Ҳадларининг миқдори тез ўсувчи бўлган аддитив масалалар учун асимптотик ва аниқ формулалар» мавзусида докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, физика-математика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлди. Шундан сўнг олимга «Катта илмий ходим», «Ҳисоблаш математикаси» ихтисослиги бўйича доцент ва профессор унвонлари ҳам берилди. 1995 йилдан эса СамДУ ҳисоблаш математикаси кафедрасининг мудирини лавозимида ишлади.

М.Исроилов Гильберт фазоларида арифметик характерга эга бўлган умумий ортогонал ва биортогонал системалар куриш, аддитив масалалар, Диофант тенгламаларининг ҳар хил синфлари учун ечимлар сонини топиш, тригонометрик йиғиндиларни баҳолаш, турли функционал фазоларда оптимал квадратур ва кубатур формулалар куриш, регуляр ва сингуляр ядроли интеграл тенгламаларни тақрибий ечиш соҳаларидаги кенг қамровли, чуқур илмий изланишлари орқали сон-



ҲАЁТДАГИ ҶАРОҒБОНЛАРИМИЗДАН БИРИ ЭДИ

лар назарияси ва ҳисоблаш математикаси ривожига катта ҳисса қўша олди.

Сонлар назарияси ва сплайн-функциялар методларини ҳисоблаш математикасида қўллашга эришди. Олим томонидан Гильберт ва Коши ядроли сингуляр интеграллари учун оптимал квадратур ва кубатур формулалар курилган. Устознинг Коши ва Гильберт ядроли сингуляр интеграл тенгламалари учун тақрибий-аналитик ечимлар топгани ҳам эътиборга лойиқдир. Бу натижалар татбиқий математикада, жумладан, аэродинамика ва гидродинамикада кенг қўлланилади. Бундай тадқиқотларнинг характерли томони — масаланинг қўйилиши ва уларни ечиш учун янги методлар яратишдадир. Унинг Риман дзета-функцияси ва Дирихленнинг бўлувчилар муаммосига оид алоҳида натижалари чет эллик олимлар орасида катта қизиқиш уйғотган.

Профессор илмий ва илмий-педагогик фаолият билан бирга ва жамоатчилик ишларини ҳам самарали олиб борган. 1967 йилдан 1995 йилгача мунтазам равишда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг амалий математика ва механика факультетида, 1995 йилдан Самарқанд университетида юқори савиядаги илмий ва услубий муаммоларга бағишланган маърузалар ўқиди.

М.Исроилов номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган иккита илмий кенгашнинг аъзоси сифатидаги узоқ йиллик фаолияти давомида республикамизда математика соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратди. Иқтидорли талабаларни топиб, уларга узтозлик қилди. Бағрикенг, ёшларга кўмагини аямайдиган, доимо ёш авлодга эътиборли, талабчан ва ғамхўр устознинг бевосита раҳбарлигида 10дан ортиқ номзодлик, 3та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Ҳозирги вақт-

Xotira



да яна икки нафар шогирди ўзининг номзодлик ва яна бири докторлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун тайёрлаган.

Маъруф Исроилов илмий фаолияти даврида 160дан ортиқ илмий ва илмий-услубий ишлари ва 50дан ортиқ илмий-оммабоп ишларни тайёрлаб, нашрдан чиқарди. Унинг 50га яқин илмий мақоласи хорижнинг нуфузли нашрларида эълон қилинган.

Олимнинг ўзбек тилида ягона бўлган икки қисмдан иборат «Ҳисоблаш методлари» дарслиги республика университетларида ҳисоблаш математикаси фанидан асосий дарслик сифатида қабул қилинган, у 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган “Энг яхши дарслик” танловида ҳам ғолиб бўлди.

Олим 1972 йилдан бошлаб Америка математика жамиятига аъзо ва “математикал ревьюз” халқаро журналининг экспертларидан бири саналар эди. 1967-1995 йилларда ЎзФА Кибернетика ва Математика институтларида «Сонлар назарияси методларини ҳисоблаш математикасига татбиқлари» бўйича Тошкент шаҳри миқёсидаги илмий семинарнинг асосчиси ва раҳба-

ри бўлди, 1995 йилдан бошлаб СамДУда «Анализнинг тақрибий методлари» номли янги илмий семинар ташкил қилди.

Қадрли устознинг шогирдлари, издошлари бугунги кунда республикамизнинг турли тармоқ ва соҳаларида, шунингдек, хорижий мамлакатларда муваффақиятли ишлаб, устознинг ишлари давом эттириб келишмоқда.

Устоз китобни, адабиётни севар эди. Китоб жавонларида беш мингдан ортиқ китоблари мавжуд бўлиб, Имом Бухорий, Саъдий Шерозий, Румий, Алишер Навоий, Беруний, қадимий юнон ва хитой донишмандлари ҳамда бошқа алломалар, шоиру ёзувчилар ижоди билан яхши таниш эдилар. Уларнинг асарларини севиб мутлоа қилардилар.

Олимлар ўзларидан кейинги авлодга бебаҳо неъмат — илм-маърифатни мерос қолдирадилар. Маъруф Исроиловнинг ҳам ортида илм-фан йўлида қилган улкан хизматлари, эл-юрт корига ярайдиган фарзандлари ва шогирдлари қолди.

Мамлакатимизда малакали кадрларни тайёрлашга катта ҳисса қўша олган ажойиб олим, ажойиб дўст, ўз касбининг моҳир устаси, ёшларга насиҳату ўғитларини аямаган ғамхўр мураббий, азиз инсон, меҳрибон устозни унинг дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ҳамда фарзандлари ҳамиша ўзгача бир фахр ва гурур билан хотирлайди.

Х. МУЗАФФАРОВ,
М. УЛУҒБЕК номидаги **ЎЗМУ** механика-математика факультети ҳисоблаш технологиялари ва математик моделлаштириш кафедраси мудирини, физика-математика фанлари доктори, профессор,
Р. Д. АЛОЕВ, шу кафедра профессори, физика-математика фанлари доктори

ҶИРОҒИ СЎНМАГАН МАСКАН

Мамлакатимизда кўп йиллардан бери халқимиз миллий меросини излаб топиш, тиклаш, асраб-авайлаш, ёшлар онгида Ватан туйғусини шакллантириш, тарихий масканларни ободонлаштириш, ёшларни аждодларга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси фаолият олиб бораётганлигини яхши биласиз.

Айниқса, жамғарманинг Қашқадарё вилоят бўлими кейинги йилларда бир қатор ишларни амалга оширди. Хусусан, халқимизнинг миллий ва маънавий меросига дахлдор 100га яқин жой ва тарихий шахсларнинг мероси ўрганилди. Шунингдек, ўнлаб асарларга ҳомийлик, муассислик қилиниб, юзлаб мақолалар чоп этилди, 22та зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг манбаси интернетга берилди, нашр қилиниб, халқ орасида тарғиб этилди.

Яқинда жамғарма ходимлари вилоятнинг Чироқчи тумани ҳудудидаги “Чироқчи момо” қадамжосини илмий ўрганишни бошлади.

«Чироқчи момо» қадамжосининг тарихий манбаси анча вақтдан буён изланаяпти, — дейди таникли ёзувчи, экспедиция раҳбари Шарофат Ашурова. — 5 йилча илгари келганимда чироқчилик 84 ёшли Алламурод ота Султонов ўз сўхбатларида “Чироқчи момо” зиёратгоҳи ҳақида сўзлаб, “бу жойларни буздирмай, сақлаб қолиш учун кўп ҳаракат қилганмиз. Охири ўша пайтдаги мутасаддилар зиёратгоҳ кўринмай турсин деб, олди томонидан касалхона курдирганди. Кўп тошларини кимлардир нималаргадир ишлатиб ҳам юборган, гапириш имкони бўлмаган замонлар ўтди. Менимча, бу обода оташпарастликнинг рамзи сифатида тикланган тепалик бўлиб, қўл кучи билан яратилган. Чунки зиёратгоҳнинг асл кўриниши қадимий қора чироққа ўхшайди. Атрофи илгари хандақ билан ўралган ҳолатда эди, дарвоза томондан кириб бориш жойи чироқнинг тутқичини эслатади”, деганларидан буён бу маскан мени қизиқтириб қўйди. Чунки Қашқадарё вилояти ҳудуди Жанубий Сўғд давлатининг бир қисми. Бу ерлар аҳолиси оташпарастлик динига эътиқод қилиб, оловга катта эҳтиром кўрсатган. Манбаларда оловни ўчирмаслик учун алоҳида чироқдонлар ва бунга масъул кишилар тайинлангани ёзилди. Оловни ўчирмай сақлаш ўзига яраша эҳтиёткорликни талаб этганлиги учун бу вазифа эл орасида ҳурмат-эътибор топган кайвони аёлларга топширилган. Шу боис, кишиларга ўт улашган жой “Чироқчи момо” номи билан халқ хотирасида сақланиб қолган.

Бу жойга чироқчи йиллар давомида ўчирмай сақлаб келган момолар дафн этилган. Ислом дини келгандан сўнг эса, оташпарастликка сифиниш жойлари йўқотилиб, қабристонга айлантирилган. Аммо халқ хотирасидан “Чироқчи момо” номини ўчириб ташлашнинг имкони бўлмаган. Шу боис бу жой яна динга хизмат қилган, эътиборли дин пешволари, арбоблар дафн этиладиган жойга айлантирилган. Истиқлолгача саноклигина қадимий қабр тошлари сақланиб, атрофи ҳовли-жойларга бериб юборилган экан. Аммо халқ эҳтиромини боис, момолар чироқ ёққан жойлар сақланиб қолгани авлодларимиз бахти.

Ростдан ҳам илмий ўрганишлар ўз натижаларини бермоқда. Албатта, ўтган давр бухронларидан омон қолган “Чироқчи момо” обидаси халқимизнинг узоқ йиллик бой тарихидан ҳикоя қилувчи маънавий меросларимиз қаторидан муносиб ўрин эгаллайди.

Жавлон РАҲМОНОВ

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Яккабоғ тумани Нўғайли қишлоғидаги 94-умумтаълим мактабида болалар спортини ривожлантириш, ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мазкур мактаб Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳомийлигида турли спорт анжомлари билан таъминланди. Машғулот заллари ва ювенил хоналари рисоладагидек.

— Мактабдаги 600 нафарга яқин ўқувчининг аксарият қисми спорт тўғаракларига жалб қилинган, — дейди жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Дўстқора Михлиев. — Хусусан, кураш, футбол, волейбол, шахмат-шашка тўғараклари дарсдан кейин ўқувчилар билан гавжум. Яқинда фойдаланиш-

га топширилганига қарамай, мактаб турли спорт тadbirlari ва учрашувлар мезбонига айланиб улгурган. Айни пайтга қадар ўқув масканига Халқаро Турон яккакураши ассоциацияси, Ўзбекистон Жит Кун-до федерацияси Республика Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш маркази вакиллари ҳамда бир қанча

спорт усталари ташриф буюриб, қишлоқ ёшлари билан ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

Шунингдек, мактабни битирган қатор ўқувчилар айни кунда Республика олимпия захиралари коллежида таҳсил олиб, спортда катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Хусусан, жорий йили Жит Кун-до бўйича ўтказилган республика чемпионатида Абдулла Жўраев 2-ўринни эгаллади, Азиз Михлиев ҳам қўл жанги бўйича мусобақада иккинчи бўлди. Турон яккакураши бўйича мамлакат чемпионатида Маҳмадқуб Чориев шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса,

Bolalar sporti

Сухроб Шовруқов иккинчи ўринга муносиб қўрилди.

Бундан ташқари кураш бўйича туманда ўтказилган турнирда мактабнинг ўғил болалар жамоаси якқол пешқадам бўлган бўлса, қизлар иккинчи ўрин билан кифояланди. Қолаверса, 2012 йили Термизда ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» мусобақаларига мактабнинг ёш спортчилари тайёргарлик ишларини ҳозирданок бошлаб юборишган.

Анвар ҚОБИЛОВ,
«Ma'rifat» мухбири



ГОЛИБ — 19 ЁШДА

Австриялик иқтидорли теннисчи Тамира Пажек Квебек шахрида ўтказилган, ютуқ жамғармаси 220 минг долларни ташкил этувчи халқаро турнирда голибликни қўлга киритди, деб хабар тарқатди спорт интернет нашрлари.

Пажек финал баҳсида америкалик теннисчи Беттани Маттек-Сэндзга қарши кортга тушди ва уч сет давом этган матчи 7:6 (8:6), 2:6, 7:5 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди. Баҳс 2 соату 47 дақиқага чўзилди.

Ажабланарли томони шундаки, Австриянинг Дорнбирн шахрида туғилган 19 ёшли Пажек учун бу дастлабки муваффақият эмас. У аввал Аёллар теннис ассоциацияси ўтказган турнирларнинг бирида зафар кучган.

Канадада ўтказилган ушбу турнирдаги галабаси унга 37 минг доллар фойда, шунингдек, дунёнинг энг кучли юзта теннисчисидан иборат рейтинг учун 280 очко келтирди.



ҲАММАДАН ИЛҒОР АЛОНСО

Тезлик ва фавқуллодда ҳолатлардан усталик билан чиқиб кета оладиган спортчилар жамулжам бўлган автомобиллар пойғасини кузатиш ҳар қандай кишига завқ бағишлайди. Бунда «Феррари» жамоаси вакили Фернандо Алонсо Италия Гран-присини қўлга киритди.

«Ред Булл» жамоаси аъзоси Марк Уэббер эса яна бир бора «Формула-1» голибига айланди. Иккинчи бўлиб марра чизигини Женсон Баттон («Макларен») босиб ўтди. Учинчи ўрин Фелип Массага («Феррари») насиб этди. Собиқ етакчи Льюис Хэмилтон («Макларен») ўз машинаси билан боғлиқ техник носозлик туфайли дастлабки айланадаёқ мусобақадан чиқиб кетди. Алонсо илк галабасини 2006 йили «Феррари» таркибиде Монцадаги кимўзарда қўлга киритганди.

Айни дамда Италия Гран-присидан кейин умумий жадвалда Уэббер пешқадам бўлиб олди, у 187 очко жамғарган. Хэмилтон (182) эса 2-поғонага тушди. 3-ўринда Алонсо (166) турибди.

Навбатдаги мусобақа 24—26 сентябрь кунлари Сингапурда ўтказилади.

ОСИЁ ЕТАКЧИЛИК ҚИЛМОҚДА

Оғир атлетика бўйича Туркияда ўтказиладиган ҳаҳон чемпионатида хитойлик спортчи Дэн Вэй ўз жамоаси ҳисобига навбатдаги олтин медални ҳадя этди, дея хабар тарқатилди Интернетда.

58 кг.гача бўлган вазн тоифасидаги аёл спортчилар ўртасида ўтказилган мусобақада Ден Вэй 237 кг.лик тошни кўтарди. Бу борада 2-ўрини Беларусь вакиласи Анастасия Новикова (233 кг.) эгаллади. Бронза медали эса КХДР спортчиси Чжон Чун Ми (230)га насиб этди.

62 кг.гача бўлган вазни эркаклар ўртасида ўтган баҳсларда хитойлик Ким Ун Гуку 320 кг.ли тошни кўтариб, 1-ўринни қўлга киритди. Хитойлик Жан Цзи (315 кг.) кумуш медалга, туркиялик Эрл Билгин (314 кг.) бронза медалига лойиқ деб топилди.

Мусобақада умумий ҳисобда Хитой терма жамоаси олдинда бораётир, уларнинг ҳисобида 3та олтин, 2та кумуш ва 1та бронза медали бор.

Ш.Жўраева тайёрлади.

Хурматли Лаълижон Пўлатова

Сизни муборак 62 ёшингиз ҳамда яқинлашиб келаётган «1 октябрь — ўқитувчи ва Мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан чин юракдан қўтлаймиз!

Сизга узоқ-умр, сихат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз. Шогирдларингиз ва оила аъзоларингиз бахтига доимо омон бўлинг. Ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ҳамда шарафли ишларингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Тошкент ТИМИ қошидаги Миробод академик лицейи жамоаси ва шогирдларингиз.



ҚИСКА ХАБАРЛАР

Пойтахтимизда анъанавий тарзда ўтказиладиган хотин-қизлар ўртасида «Тошкент опен-2010» халқаро теннис турнири старт олди. Сайёрамизнинг 10дан ортиқ давлатидан келган спортчилар ўртасидаги қизиқарли ва шиддаткор матчлар Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ташкиллаштириляпти.

«Тошкент опен-2010»да мамлакатимиз шарафини Оқул Омонмуродова ҳимоя қилаётганидан хабарингиз бўлса керак. У 2005 ва 2009 йилларда финалгача етиб борганди. Бу сафар у голиблик учун астойдил интилади. Унга россиялик Анна Чакветадзе, италиялик Мария Елена Камерин, руминиялик Александра Дулгеру, словакиялик Магдалена Рибарикова, таиландлик Тамарин Танасугарн, швейцариялик Стефани Фогел, америкалик Жил Крайбас сингари кучли рақиблари иштирок этаётган турнирда омад тилаймиз.

Эслатиб ўтамыз, бундан олдинги «Тошкент опен» турнирларида ҳеч бир теннисчи кетма-кет муваффақиятга эришмаган.

Минск шахрида (Беларусь) спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган халқаро турнир таниқли спортчимиз Антон

Фокиннинг ишончли муваффақияти билан ёдда қоладиган бўлди.

Биринчиликда мезбонлардан ташқари, ватандошларимиз, Россия, Украина, Литва, Польша, Швеция, Норвегия ва Исроил сингари давлатлардан қатнашган гимнастикачилар ўзаро курашди.

Эркаклар ўртасидаги кўпкурашда Антон Фокин 88,2 балл йиғиб, халқаро турнирнинг олтин медалига сазовор бўлди. У брусда машқ бажариш бўйича ҳам энг юқори бални тўплади ва иккинчи олтинни қўлга киритди. Сўнгра ҳалқада бажарилган машқда шахсий газнасига кумуш медаль ҳам қўшиб қўйди.

АСОСИЙ КУРАШ ЯНА БРОНЗА УЧУН

Футбол бўйича мамлакатимиз чемпионати олий лигасининг 20-тури ҳам ўз ниҳоясига етди. Унда асосий ўринлар учун курашаётган жамоалар муваффақиятга эришди. Бир неча турдан буён мағлубият нималигини билмай келаётган «Андижон» клуби эса сафарда «Локомотив» меҳмони бўлиб, 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради.

Ёш бўлишига қарамай, анча-мунча тажриба тўплаб улгурган Миржалол Қосимов бошқараётган «Бунёдкор» вакиллари Фарғонада «Нефтчи»га қарши майдонга

чиқди. Мурасасиз курашларга бой тарзда ўтган учрашувда йирик ҳисоб қайд этилди — 3:0.

«Қалдирғоч»ларнинг асосий таъкибчиси, пой-

тахтнинг яна бир гранд жамоаси — «Пахтакор» футболчилари ҳам «Хоразм»дан ташриф буюрган ҳамкасбларини 3:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Афсуски, мухлислар кутган ўйинларни намоёйиш этолмай, турнир жадвалида энг охириги погонани банд этган хоразмлик чарм тўп усталарининг Олий лигани тарк этиши тобора ойдинлашиб қолаётгандек.

Futbol

Бу йилги биринчиликнинг тугашига яна олти-та тур учрашуви қолди, бироқ мазкур имкониятдан бугунги аутсайдерлар унумли фойдалана олишармикан?

Ўз муддатидан бир кун ортга сурилган «Насаф» ва «Навбахор» тўқнашуви 20-турнинг марказий ўйини бўлди, десак янглишмаймиз. Унда майдон эгалари кичик ҳисобда (1:0) зафар кучди. Боиси, бронза медалига даъвогарлардан бири — қаршиликлар учун қолган ҳар бир тур ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

«Насаф»ни изма-из «қуваётган» Фузорнинг «Шўртан» клуби ҳам ўз майдонида «Олмалик»ни қабул қилиб, 5:3 ҳисобида устун келди. Бу ҳолат чемпионатимизда асосий кураш одатдагидек учинчи ўрин учун кечишини яна бир карра тасдиқлади.


20-турнинг қолган учрашувларида: «Қизилкум» — «Динамо» 3:1, «Металлург» — «Машъал» 1:0 натижалари қайд этилди.

З.ХОЛОВ

20-турдан кейинги вазият билан куйидаги турнир жадвали орқали танишинг:

№	Жамоа	Ў	Ғ	Д	М	Т-Н	О
1.	«Бунёдкор»	20	17	3	0	41-8	54
2.	«Пахтакор»	20	14	4	2	32-14	46
3.	«Насаф»	20	10	6	4	24-16	36
4.	«Шўртан»	20	10	4	6	29-22	34
5.	«Металлург»	20	8	6	6	24-23	30
6.	«Андижон»	20	8	4	8	21-21	28
7.	«Қизилкум»	20	7	6	7	18-20	27
8.	«Машъал»	20	6	6	8	12-20	24
9.	«Навбахор»	20	6	4	10	23-24	22
10.	«Нефтчи»	20	5	5	10	27-35	20
11.	«Олмалик»	20	5	5	10	24-33	20
12.	«Динамо»	20	5	4	11	22-28	19
13.	«Локомотив»	20	5	4	11	16-29	19
14.	«Хоразм»	20	1	5	14	14-34	8

«АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА, АВЛОД СОҒЛОМДИР»



Юртимиздаги бир қатор нуфузли ташкилотлар, жамгарма ва кўмиталар ташаббуси билан пойтахтимизда "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрада фестивали якунига етди.

Нафис гуллар билан безатилган «Ўзбекистон» спорт-соғломлаштириш мажмуасида V Республика аёллар спорт фестивали ва Республика гимнастрада фестивалининг иштирокчилари орасида зафар кучган ғолиб ва совриндорлар тақдирланди.

Улар мусобақаларда спортнинг волейбол, енгил ат-



2010-yil — Barkamol avlod yili

летика, стол тенниси, шахмат, дартс, сузиш, гимнастрада сингари турлари бўйича ўз омадини синовдан ўтказишди. Назокатли иштирокчиларнинг аксарияти уй бекалари, нафақадаги аёллар, корхона ва ташкилотлардаги ишчи ва хизматчилар экани ҳақида газетамизнинг аввалги сониди атрофлича хабар бергандик.

Икки кун мобайнида ҳаваскор спортчилар учун беллашувдан ташқари, ҳар хил маданий-маърифий тadbirlar, иждодий учрашувлар, концерт дастурлари, музейлар, маънавийат масканларига саёҳатлар уюштирилди.

Тadbir якунида ғолиб ва совриндорларга, мусобақанинг эътиборли иштирокчиларига дипломлар, эсдалик совғалари ҳамда санаторийларга бепул йўлланмалар топширилди.

Шундан сўнг таниқли ва ёш хонандалар иштирокида концерт намоиш этилди.



Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим ва фан ходимлари
касба uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Бosh муharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Тahrir hay'ati: Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Xurshid DO'STMHAMMEDOV,
Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning
birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV
(mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA,
Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari,
"Учитель Узбекистана"), Aleksey
CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Уз-
бекистана"), Sa'dulla HAKIMOV

Газета
Ўзбекистон Matbuot
va axborot agentligida
№ 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-822.
Tiraji 27881.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Hulkar
TO'YMANOVA.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan
materiallar muallifga qaytarilmaydi.
belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rt
va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan,
oliy va o'rt maxsus, kash-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi
— 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti
yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan
tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat,
xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58,
reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish
vaqti — 21.00.
Topshirildi — 01.50
Yil axboroti — 01.50